Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 37 (20. 604) • 1990 йил 13 февраль, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

ОЛТИНЧИ ЭНЕРГОБЛОК ИШГА ТУШИРИЛДИ

Тахиатош ГРЭСининг навбатдаги олтинчи энергоблоки ишга туширилди. 210 мегаватт қувватли турбина 72 соатлик текширувдан сўнг доимий ишлайдиган энергоблоклар қаторига қўшилди.

Олтинчи энергоблокнинг фойдаланишга топширилиши натижасида Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм вилояти халқ хўжалиги тармоқлари электр қуввати билан янада кўпроқ таъминланади. Тахиатош ГРЭСининг умумий энергетика қуввати 730 мегаваттга етди.

ЎзТАГ мухбири.

• *Номзодлар ҳақида ҳикоялар*

ҚЎЛНИ БЕРИНГ...

Одатда бир-биримизга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик ва омад тилаганда қўл бериб кўришамиз. 114-Киров сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар — Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозига қарийб қирқ йилдан бери раҳбарлик қилиб келаётган Сиддиқжон Муҳаммаджонов ва республика руҳий касалликлар шифохонаси бош врачи Абдурашид Абдалиевларнинг ана шундай бир-бирларига қўл бериб муваффақият тилашаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Сиддиқ ака меҳнат фаолиятини чўлқуварликдан бошлаган. 1941 йили Сирдарё районидаги «Партия XVIII съезди» колхозида бухгалтер ёрдамчиси, кейинчалик район комсомол комитети котиби бўлиб ишлади. 1944—46 йиллари Калинин район Совети ижроия комитетида бўлим мудири, «Ленин йўли» колхози бош агрономи, партия ташкилотига котиб бўлди. 1952 йилдан буён колхоз правлениеси раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Колхоз раисига юксак ишонч билдиришди! Нега? Колхоз қишлоқлари йилдан йилга ўзгариб, шаҳар қиёфасига айланаётир. Колхоз биргина ўтган йили 5 миллион 800 минг сўм даромад олди. Шунинг 1 миллион 750 минг сўми соф фойда. Ўрта мактаб, иккита болалар боғчаси ишлаб турибди. Замонавий услубда қурилган шифохона колхозчилар хизматида.

Республика халқ депутатлигига номзод С. Муҳаммаджонов сайловчилар билан учрашувлардан бирида қишлоқда канализация қуриш ҳақида наказ олди. Раис рози бўлди. Дарҳол наказни бажаришга киришди. «Ленин йўли» колхозининг маркази «Самара» (уни Дамариқ деб ҳам аташади) ни канализациялаш бўйича лойиҳа тахт бўлди. Бу ишга яқинда киришилади.

— Ҳали бажарилиши лозим бўлган ишлар бир талай — дейди С. Муҳаммаджонов. — Аввало, ёрдамчи цехларни кенгайтиришимиз, маҳсулот сақлайдиган омборхоналар қурилишини давом эттиришимиз керак. Қисқаси, етиштирилган маҳсулотнинг бир қисмини ўзимизда қайта ишлаб, сўнг халққа манзур қилишимиз лозим. Хўжалик ҳисоби шуни талаб қиляпти.

Абдурашид Абдалиев эса ёшлигидан шифокор бўлишта, эл соғлиғини муҳофаза қилишга интилди. Ўрта мактабни битирибоқ Тошкент давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ҳужжат топширди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди, ўқиш давомида жамоат ишларида фаол иштирок этди.

Сайловолди учрашувларидан бирида Горький номли маҳалла комитети раиси Нурмат Бойматов республика халқ депутатлигига номзод А. Абдалиевни ёқлаб шундай деди:

— Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ҳар бир бола соғлом ва уйғун ўсиши учун барча шарт-шароитларни яратиш номзодимиз А. Абдалиев ҳаракат дастурининг мазмини ташкил этади. Буни тўла қўллаб-қувватлайман. Шу билан бирга маҳалламизни ободонлаштириш, боғча қурилишини назоратга олишдек наказларимизни ҳам бажарса яхши бўларди.

«Тошкент» совхози бригада бошлиғи Муҳаммаджон Иброҳимов:

— Бригадамиз қарамоғида боғча, фельдшерлик акушерлик пункти йўқ. Сув муаммоси ҳам ҳал бўлмаган. Депутатликка номзод А. Абдалиевдан умидимиз катта.

Сайловчиларнинг умид қилганича бор. А. Абдалиевнинг ҳаракат дастури асосан халқ саломатлигини муҳофаза қилишга бағишланган. Оналар ва болаларга тиббиёт хизмати кўрсатишни ривожлантириш, аёллар ва ўсмирлар меҳнатини муҳофаза қилиш, кам даромадли оилаларни, боқувчисини йўқотган оналарни, ногирон болаларни пенсия билан таъминлаш, экологик муҳитни тубдан яхшилаш, «Меҳрибонлик» ҳаракатини ривожлантириш...

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар — Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози правлениеси раиси С. Муҳаммаджоновнинг ҳам, республика руҳий касалликлар шифохонасининг бош врачи А. Абдалиевнинг ҳам сайловолди дастурлари эл дарди, юрт фаровонлигига қаратилган. Биз ана шу режаларнинг ушалишига тилакдошмиз!

— Қўлни беринг, раис бува!

— Қўлни беринг, шифокор!

М. ПИРМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Суратда: шифокор А. Абдалиев ва раис С. Муҳаммаджонов.

Суратни В. МОЛГАЧЕВ олган.

«Союз ТМ-9» учирилди

ТАСС АХБОРОТИ

Космик фазони тадқиқ этиш программасига мувофиқ 1990 йил 11 февраль куни Москва вақти билан соат 9 дан 16 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз ТМ-9» космик кемаси учирилди, уни командир — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси Анатолий Яковлевич Соловьев билан бортинженер — Александр Николаевич Баландиндан иборат экипаж бошқармоқда.

Парвоз программасида «Союз ТМ-9» кемасини учувчи бошқарадиган «Мир» комплексига туташтириш кўзда тутилган. Биргаликдаги парвоз давомида илмий-тадқиқот комплекси бешинчи асосий экспедициясининг экипажи — ер атрофидаги орбитада узоқ вақтдан буён ишлаётган космонавтлар Александр Викторенко билан Александр Серебров алмаштирилади.

«Союз ТМ-9» кемаси ичидаги системалар нормал ишламоқда. Космонавтлар Анатолий Соловьев билан Александр Баландин ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

Учувчи бошқарадиган кемани орбитадаги комплекс билан 13 февралда туташтириш белгиланган.



Космонавтлар таржимаи ҳоли

АНАТОЛИЙ ЯКОВЛЕВИЧ СОЛОВЬЕВ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Анатолий Яковлевич Соловьев 1948 йил 16 январда Ригада туғилган.

Меҳнат фаолиятини 16 ёшида Рига корхоналаридан бирида слесарликдан бошлади, айни вақтда ишчи-ёшлар мактабида ўқиди.

1968 йилда у Ленин комсомоли номли Чернигов учувчилар олий ҳарбий авиация билим юртига ўқишга кирди. Билим юртини тугаллаганидан сўнг ҳарбий-ҳаво кучларида хизмат қилди. Ана шу хизмат даврида самолётларнинг ўндан ортиқ турини ўзлаштирди.

А. Я. Соловьев 1971 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзосидир.

Космонавтлар отрядига у 1976 йилда киритилган эди.

1977 йилда синовчи-учувчилар мактабини битирди. Анатолий Яковлевич «1-класс ҳарбий учувчи» ва «2-класс синовчи-учувчи» малакасига эга.

А. Я. Соловьев биринчи бор космосга 1988 йил июнида «Мир» орбитал комплексида тадқиқотлар ва тажрибалар ўтказган Совет-Болгария экипажининг командири сифатида парвоз қилган. Унга «3-класс космонавт» малакаси берилган.

АЛЕКСАНДР НИКОЛАЕВИЧ БАЛАНДИН

Александр Николаевич Баландин 1953 йил 30 июлда Москва областидаги Фрязино шаҳрида туғилган.

1976 йилда Москвадаги Н. Э. Бауман номли олий техника билим юртини битиргандан кейин «Энергия» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ишламоқда. Бу ерда мураккаб инженерлик вазифаларини ҳал этишга қодир бўлган малакали мутахассис эканлигини кўрсатди. Истиқболли космик техникани яратишда иштирок этди.

А. Н. Баландин 1981 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзосидир.

Александр Николаевич космонавтлар отрядига 1978 йилда киритилган эди. «Союз ТМ» кемасида ва «Мир» орбитал комплексида учишга тайёргарликнинг тўла курсини ўтди. Кўп марта фойдаланиладиган орбитал кема экипажи таркибида борт инженери сифатида учишга ҳам тайёргарлик кўрмоқда.

...ҲОЗИРГИ БУРИЛИШ ПАЙТИДА ҚПСС ЖИПСЛАШТИРУВЧИ, БИРЛАШТИРУВЧИ РОЛИНИ БАЖАРИШГА, БУТУН ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ ҚАЙТА ҚУРИШ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚОДИРДИР.

(КПСС Марказий Комитети 1990 йил февраль Пленуми материалларидан).

• *Пленум материалларини ўқиб*

ПАРТИЯВИЙ ДЕМОКРАТИЯ НАМУНАСИ

Куни-кеча ўз ишини тугатган КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми материаллари республикамиз меҳнаткашлари, жамоатчилик орасида қизғин баҳсларга сабаб бўлмоқда. Айтиш мумкинки, бу — Пленум съездга тақдим қиладиган ва тез кунда умумхалқ муҳокамасига қўйиладиган ҳаракат дастури лойиҳаси бўйича мунозаранинг бошланишидир.

Газетамиз мухбири Н. Наимов Вобкент райони партия ташкилотида бўлиб, турли даражадаги партия фаолларидан Пленум материаллари билан танишгандан сўнг юзага келган ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишни илтимос қилди.

АНДОЗАЧИЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

Ҳ. САТТОРОВ,
район партия комитетининг биринчи секретари:

— Пленумда қилинган доклад, унинг юзасидан бўлиб ўтган қизғин мунозаралар аппарат бошқарувининг биз сингари энг қуйи бўғини ходимларига ниҳоят энди андозачиликка ўрин қолмайди, деган хулосага келишга имкон беради. Партия бошқарувида қотиб қолган услублардан воз кечилаётгани коммунистлар оммасининг ижодкорлиги учун чексиз имкониятлар яратиб бериши, қайта қуриш ишини чинакамига олға силжитиши шубҳасиздир.

М. С. Горбачев ўз докладида қишлоқдаги ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуришга хўжалик вазифаси эмас, балки сиёсий вазифа, деб баҳо берганлиги шахсан менинг ҳам дилимдаги гап бўлди. Дарҳақиқат, қишлоқ меҳнаткашининг ижодий ишлаши учун шароит яратилмас, унинг турмуш ташвишлари биринчи навбатда бартараф этилмас экан, қайта қуриш қуруқ гаплигича қолаверади. Тўла хўжалик ҳисобига ўтган колхоз ва совхозлар, пудратчилар, ижарачилар, шахсий деҳқон хўжаликлари эскириб қолган иқтисодий, молиявий, таъминот инструкцияларидан ҳосил бўлган тўғаноқларга дуч келиб ўзлари учун йўл очолмаяптилар. Бундай тўсиқларни тезроқ бартараф қилиш лозим.

Район партия комитети омманинг ижодкорлигини кучайтириш учун белгилаган режалар Пленум қарорлари билан ҳамоҳанг эканлигидан мамнун. Сайлов кампанияси тугаши биланоқ бошланғич партия ташкилотларининг бўлажак партия конференциясида сайланма актив составига киритиладиган вакиллари ҳақидаги фикрларини эшитамиз. Улар ҳисобот-сайловларгача қолган бир неча ой ичида бўлажак номзодларни синовдан ўтказишсин. Шундай йўл тутилмаса, район партия комитети бюроси минглаб коммунистлар ичидан энг жанговар, билимдон, қобилиятли аъзоларни танлаб олишга ожизлик қилиши табиий. Илгари шундай қилинмагани сабабли биз ҳозир сайланма активимиз составида анчагина лоқайд аъзоларни сақлаб туришга мажбурмиз.

Келгуси конференцияда биз сайланма актив составига лавозим даражасига қараб киритиш тажрибасидан ҳам воз кечмоқчимиз. Нега энди колхоз раиси ёки совхоз директори албатта ҳам депутат, ҳам райком аъзоси бўлиши лозим экан? Ахир шундай ҳам партия унга ижро раҳбарлиги ваколатини ишониб топширганку! Райкомнинг бюроси бўлажак сайланма актив составига кўпроқ партия группалари ташкилотчилари, цех ва бошланғич ташкилот секретарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ишчилар, колхозчиларни киритишни тавсия этади. Ўйлайманки, бундай состав чинакам ижодий мушоҳада юритиш, масалани коллектив бўлиб ҳал қилиш имкониятига эга бўлади.

Кейинги даврда меҳнаткашлар ўртасида партия аппарати ходимларига нисбатан пайдо бўлган нотўғри тасаввурни ҳам амалий тадбирлар билан енгамиз. Аппарат ходими сайланма актив составига мансаб даражасига қараб эмас, салоҳиятига қараб киради. Аслида бу ишни бир неча йил бурун бошлаганмиз. Бизда ўзнинг амалий ишда кўрсатган райком инструктори ҳам сайланма актив составига кирган ҳоллар кўп. Келгусида аппарат ходимлари бошланғич ташкилотларда ўтказиладиган конкурслар асосида танланишига эришамиз.

Умуман, қуйи бўғин аппарат ходимлари партия ички қурилишида содир бўлаётган демократик ўзгаришларни тўла қўллаб-қувватлайди, деб ўйлайман.

САРОСИМАГА ЎРИН ЙЎҚ

О. ҲАМРОЕВ,
йигирув-тўқув фабрикаси мастери, цех партия ташкилоти секретари:

— Кейинги пайтларда партиянинг қайта қуришга раҳбарлик қилиш учун лаёқати йўқлиги тўғрисида эшитилиб қолган овозлар биз, ишчиларни ташвишга солди. Мазкур Пленум ана шундай барча фикрларга қақшатқич зарба берди. Партия ўз ички қурилишида демократик ўзгаришлар қилишга қодир эканлигини амалий тадбирлар билан исботламоқда.

Эндиликда ҳақиқатан ҳам ташаббускор, меҳнат кишисининг дардини тушунадиган, билимдон кишиларга кенг йўл очилишига шубҳа қилмайман. Шундай кишилардан бири Ҳазрат Ҳамдамовдир. Бу ёш мутахассис корхонамизни қабул қилиб олганида қолоқлик ботқоғига ботиб қолган эдик. Биз уни икки ойлик синов муддати билан директорликка сайладик. Коммунист ишончни оқлади. Мана энди корхонамиз райондаги илғорлар қаторига қўшилган. Чунки янги директор кишилар ташвиши билан яшайди, биздек ўрта бўғин раҳбарларидан ҳам шуни талаб қилади. Қисқа муддат ичида фабрикада ошхона қурилди, янги клуб жиҳозланди, ишга автобус қатнай бошлади. Энг муҳими, ҳар бир ишчи меҳнати тўғри тақдирланаётганига ишонч ҳосил қилиб, шунга яраша ғайрат кўрсатаётир.

Коллектив ўртасида ижодий муҳит қарор топганлиги туфайли коммунистларнинг жамоат ишларидаги фаоллиги ҳам ошиб бормоқда. Цех партия ташкилоти ҳисобида турган 14 коммунистнинг ҳар бири қандайдир жамоатчилик вазифасини сидқидилдан бажаряпти.

Ўйлайманки, февраль Пленуми қабул қилган ҳужжатлар партияда қайта қуришни юқоридан эмас, қуйидан бошлашга имкон беради. Бу эса жуда муҳимдир.

МАНФААТДОРЛИК УНУТИЛМАСЛИГИ КЕРАК

З. НОРОВ,
район агросаноат бирлашмаси ремонт-ишлаб чиқариш корхонаси смена мастери, партия группаси ташкилотчиси:

— Пленумдаги докладда бошланғич ташкилотларнинг партияга қабул ва унинг сафларидан чиқариш, партия бадалларидан фойдаланиш юзасидан билдирилган фикрлар менга айниқса маъқул. Ҳозиргача партиявий ишнинг машаққатли юки елкасида бўлган бошланғич ташкилотларнинг секретарларини рағбатлантириш тўғрисида ҳеч ким ўйламас эди. Масалан, секретарлик вазифасини бажараётган гаражимиз мудири А. Ҳотамов кеча-кундуз жамоат ишида елиб-югуради, оладиган ойлик маоши атиги 160 сўм. У бошқа раҳбарлар сингари квартал ёки йиллик мукофотлар олиш имкониятидан ҳам маҳрум. Бу адолатдан эмас.

Шу боисдан ҳам бошланғич ташкилотга мана шундай асл коммунистларни рағбатлантириш учун бадалларидан қисман фойдаланиш ҳуқуқи берилиши лозим. Ахир коммунистнинг бошига бирор ташвиш тушса, у биринчи навбатда бошланғич ташкилот секретари ҳузурига ошиқади.

МЕҲНАТ КИШИСИГА ҒАМХЎРЛИК

Р. АТОЕВ,
Энгельс номли колхоз партия комитетининг секретари:

— Пленумда партиявий ғамхўрлик марказида оддий коммунист турганлиги менга жуда маъқул бўлди. Қаердаки одамлар тўғрисида амалда ғамхўрлик кўрсатилса, у ерда муваффақиятга эришилиши шубҳасиздир.

Партия комитетимиз составида 9 аъзо бор. Аммо улардан фақат икки киши хотин-қиздир. Ваҳолонки, жами коммунистларнинг учдан бир қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Бироқ улар кўпинча жамоат топшириқларидан ўзларини четга олишга мажбур бўладилар. Чунки турмуш ташвишлари кўп.

Бизнинг ташкилотимиздан райком составига кирган сут соғувчи Юлдуз Раҳмонова хотин-қизларнинг манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда. Қишлоқларимизга табиий газ келтирилаётгани, фельдшерлик-акушерлик пункти, қишлоқ врачлик амбулаторияси, иккита маиший хизмат уйи фаолият кўрсатаётганида унинг ҳам ҳиссаси бор. Ҳозир биз яна бир ҳаммом, савдо маркази, янги турар жойлар қуриш ташвишидамиз. Колхоз олаётган даромаднинг асосий қисми мана шундай социал қурилишларга сарфланяпти. Буларнинг ҳаммаси хотин-қизларимизнинг юмушларини енгиллаштириб, жамоат ҳаётида фаол қатнашишларига шароит яратяпти.

Келгусида биз барча даражадаги сайланма актив составига хотин-қиз коммунистларни кўпроқ жалб қилиш тадбирларини кўрамиз. Зеро, сафимизда хотин-қизлар кўпайса партиявий ишларимизда саранжом-саришталик янада яхшиланади, демократия амалий тус олади.

Дунё овози

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

КПСС Марказий Комитети Пленумининг якунлари тўғрисида чет элларда билдирилаётган фикрларда партиянинг ва бутун совет жамиятининг чинакам демократиялашувидан далолат бераётган қайта қуришнинг сифат жиҳатдан янги босқичи бошланганлиги таъкидланади.

● **БУДАПЕШТ**

«Венгрия Социалистик партияси КПССнинг совет жамиятини инқилобий янгилашга қаратилган азму қарорини табриклайди, — дейилади ВСПнинг бу ерда эълон қилинган баёнотида. — КПСС партиянинг ижтимоий ролини қайта англаб, ўз тарихида жуда катта қадам қўйишга ҳозирланмоқда. М. Горбачев сиёсатининг муваффақияти дунёдаги аҳволни шакллантиришга, жумладан Венгрия демократияси тақдирига бевосита таъсир кўрсатиши мумкин».

● **ПРАГА**

«Руде право» газетасининг ёзишича, Пленум якунлари аввало, КПССнинг ўз турмушидаги бурилишни кўрсатмоқда. Бу партия ўзининг етакчилик ролидан воз кечаётганлигини билдирмайди. У ўзининг етакчилик ролини расмий, қонун йўли билан эмас, балки бошқа партиялар ва бирлашмалар билан демократик рақобат асосида сақлаб қолишга интилмоқда.

● **БОННГ**

Бундестагдаги христиан-демократик иттифоқ — христиан-социал иттифоқ фракциясининг раиси А. Дреггер КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорини совет жамиятини янада демократиялаш йўлидаги тўсиқларни бартараф этувчи революцион ҳужжат деб атади. М. Горбачев ўзининг ислоҳотлар программасини мардона ва изчил амалга оширмоқда, деди ГФР ҳукмрон иттифоқидаги икки етакчи партиянинг парламентдаги фракцияси раҳбари.

● **ТОКИО**

Япония Социалистик партиясининг баёнотида айтилишича, партия «КПСС амалга ошираётган дадил ислоҳотларни юқори баҳолайди. Бу ислоҳотлар «совуқ уруш» тасаввурига барҳам беришни тезлаштиради ҳамда Шарқ билан Ғарб ўртасидаги ҳамкорликка янги омил бағишлайди». Япония мутахассислари, дейилади ҳужжатда, Совет Иттифоқининг ошкора граждан жамияти барпо этиш йўлидан бораётганлигини астойдил маъқуллайдилар.

● **БРАЗИЛИА**

Бразилиянинг энг катта «Глобу» телекомпанияси КПСС Марказий Комитетининг Пленумини тарихий воқеа деб атади. Телекомпания Пленум қарорларини қайта қуришнинг ва унинг ташаббускори ва раҳбари М. С. Горбачевнинг жуда катта ғалабаси, деб баҳолаб, съездлар орасида ўтказилган партия олий анжуманининг делегатлари СССРда бир партиянинг сиёсий ҳукмронлигини тугатишга оид фикрни маъқуллайдилар ва кўппартиявий демократияни таъсис этиш имкониятини совет жамиятини такомиллаштириш шарти деб эътироф этдилар.

(ТАСС).

ДИЁРИ ФИДОЙИСИ

Бойсунликлар бўлажак сайловга шу диёрда туғилиб, камолга етган муносиб фарзандларини депутатликка номзод этиб кўрсатишган. Улардан бири район йўллардан фойдаланиш бошқармасининг бошлиғи Воҳид Аъзамовдир. Ҳозирги замон йўлсозлик техникасининг миридан сиригача яхши билган бу киши ўз диёри фидойиси. Унинг юмуши кўп. У корхоналарда, хўжаликларда, маҳалларда бўлаётган учрашувларда 333-округ сайловчилари билан дилдан гаплашмоқда. Сайловолди дастуридаги вазифаларнинг қандай амалга оширилиши ҳақида фикрлашмоқда.

Районда ҳал этилишини кутиб ётган масалалар кўп. Аҳоли ўртасида киши бошига реал даромадлар 37 сўм, ижтимоий фондлар улуши билан қўшиб ҳисоблаганда 61 сўмга етади. Бу республика миқёсидаги ўртача кўрсаткичдан анча паст. Бунинг устига 6 минг кишидан зиёд ишсизлар ҳам бор. Уларни иш билан таъминлаш учун корхоналар бунёд қилиш зарур бўлиб турибди. Бу каби қатор масалаларнинг сайловолди программасидан ўрин олган.

— Бойсун мен учун она диёр. Агар сайлансам, биринчи навбатда бу масканнинг тараққиёти ҳақида кўпроқ қайғураман, — дейди Воҳид Аъзамов. — Ҳар бир сайловчининг тилакистагини қондириш, унинг қувончини ҳам, ташвишини ҳам баҳам кўриш мен учун муддао бўлади.

А. ПЎЛАТОВ.

РАСМИЙ ТАШРИФ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков Таиланд ҳукуматининг таклифига биноан расмий ташриф буюриш учун 10 февраль куни Москвадан Бангкокка жўнаб кетди. Сўнгра у Австралия ва Сингапурга ҳам расмий ташриф буюради.

Н. И. Рижковни аэропортда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Н. Зайков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. П. Бирюкова, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг 1990 йил 6 февралдаги Фармонига биноан Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп болали 152 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди. Уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилади.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДА МУЗОКАРАЛАР

Литва Компартияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) муваққат Марказий Комитетининг секретари **М. М. Бурокявичюс** Литва ССРга ташриф буюрган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевга, КПСС Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси аъзоларига миннатдорчилик билдириб, унинг фикрича, асосий сиёсий масала хусусида — Литва қайси йўлдан ривожланиши кераклиги хусусида айрим мулоҳазаларини айтди. Литвада коммунистик ҳаракат ҳам ана шу масала билан боғлиқдир.

Республика партиясининг раҳбарияти Литва Компартиясининг мустақиллиги ва қайта қурилишини унинг КПССдан ажралиб чиқиши деб тушунмоқда, деди нотиқ. Литва турмушидаги янги реалликни эса Совет Иттифоқи составидан ташқаридаги мустақил Литва давлатининг тузилиши, деб билмоқда. Ҳужжатлардан кўриниб турибдики, Литва Компартиясининг ажралиб чиқаётган қаноти Литва ССРнинг социалистик давлатчилигини тан олмаётир. У Литвада 1940 йилда революцион кучлар ғалаба қозонгунча мавжуд бўлган давлатчиликни қайта тиклаш тарафдори бўлиб чиқмоқда. Литва Компартияси XX съездининг ҳужжатлари ҳам, унинг бошқа анжуманларида қабул қилинган ҳужжатлар ҳам консерватив кучларнинг Литва ўтмишини қайта тиклашга интилаётганликларидан далолат беради. Бу ҳужжатларда «Литва миллатининг давлатчиликдан маҳрум бўлишига дахлдор бўлган» барча кишилар қораланади ва «1940 йилда Литва миллати давлатчилигини тугатишда... фаол ёрдам кўрсатиш —жиноятдир» дейилади. 1940 йилда Литвада Совет ҳокимиятини қайта тиклаган Литва халқининг революцион, антифашист кучларига ана шундай баҳо берилади. Мустақил Литва давлатининг қайта тикланишига КПССдан мустақил бўлган Литва Компартиясигина олиб борилиши мумкин, деган фикр илгари сурилмоқда.

Бизнинг фикримизча, деб давом этди нотиқ, Литва коммунистлари катта қисмининг КПССдан ажралиб чиқиши — Литва Компартиясининг кўп йиллик революцион, байналмилал позицияларига зарба, Литва коммунистларининг Россия коммунистик ташкилотлари билан, иттифоқдош республикаларнинг Компартиялари билан ғоявий-ташкилий бирлигидан воз кечишдир.

Литва Компартиясининг раҳбарияти ўзининг ажратувчилик ҳаракатларини анча вақтгача яшириб келди, КПСС Марказий Комитетининг раҳбариятинигина эмас, Литва коммунистларини ҳам чалғитиб келди. Литва Компартияси Марказий Комитети январь пленумининг материаллари асосий мақсад — СССР таркибидан ташқаридаги мустақил Литва давлатини тузиш эканлигини кўрсатди. Литвада Совет ҳокимиятини эълон қилиш ва Литва ССРнинг Совет Иттифоқи таркибига кириши юзасидан Литва халқ сейми қабул қилган тарихий ҳужжатларни бекор қилиш ҳақида ҳам қонунлар мажмуаси тайёрлаб қўйилди. Бу қонунларни «Саюдис» раҳбарлари, Литва ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари Литва ССР Олий Советининг февраль ойидаги сессияси муҳокамасига киритадилар.

Айирмачи кучларнинг бундай позицияси тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Биринчидан, Литва СССР таркибига қонуний асосда кирган. Иккинчидан, 1940 йил ёз фаслидаги воқеалар Германия билан СССР ўртасидаги 1939 йилги шартномаларга боғлиқ эмас.

Мен астойдил аминманки, ҳозир рус халқига нисбатан адоват уруғини сочаётган, Литва ҳалқини рус халқидан ва СССРдаги бошқа халқлардан ажратиб олишни истаётган кишилар Литва халқига чуқур қазимоқдалар.

Нотиқнинг фикрича, Литва ССР билан умуман Совет Иттифоқи ўртасида Литва ССР аҳолисини Совет Иттифоқига қарама-қарши қўйиш учун, литва халқи фахрланадиган миллий туйғу заминида миллатчиликни вужудга келтириб, ундан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланиш учун сунъий равишда конституцион низо келтириб чиқарилмоқда.

Литвадаги мураккаб сиёсий аҳволнинг сабабларидан бири Литва Компартиясининг раҳбарияти йўл қўйган сиёсий ва мафкуравий тусдаги хатолардир. Нотиқ ўз фикрини тасдиқлаш учун бир қатор аниқ мисоллар келтирди.

Биз аминмизки, деди у, Литва ССРнинг реал социалистик давлат суверенитети СССР составида ҳам бўлиши мумкин, СССРнинг федератив тузуми Ленин тушунганидек янгиланади ва шу боисдан Литва ССРнинг СССР таркибида ривожланишини талаб қиламиз. Чунки бу — Литва коммунистларини икки қисмга бўлиб турган асосий масаладир. Бу масала юзасидан ўртамизда ҳеч қандай келишувчилик бўлиши мумкин эмас. Бошқа масалаларда бўлиши мумкин, лекин бу масалада бўлиши мумкин эмас. Чунки биз Литванинг Совет Иттифоқи таркибида бўлиши учун курашаяпмиз.

Биз Литва Компартияси раҳбариятини ўз программалари ва низомларини ошкора эълон қилиб, улар ҳам Литванинг СССР таркибида ривожланиши тарафдори эканликларини аниқ-равшан айтишга даъват этамиз. Нақотки, Литванинг ҳокимият тепасида турган арбоблари қайта қуришни Совет Иттифоқини бузиш деб тушунсалар? Тарих бундай тадбирлар учун ҳеч кимни ва ҳеч қачон кечирмайди-ку, ахир.

Ҳозирги пайтда коммунистлар ва партия ташкилотлари ҳаракат дастурига кўра ажралишмоқдалар. Бу қуйидан рўй бераётган табиий жараёндир. КПСС таркибидан ташқаридаги Литва Компартияси ўз мақомига амал қилиб, бошланғич партия ташкилотларидан то район ва шаҳар ташкилотларигача бўлган ўз партиявий структураларини тузишни жадаллаштирмоқдалар.

КПСС аъзоси бўлган коммунистлар ҳам ўз партиявий структураларини тузмоқдалар. Литва Компартиясининг (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) Вильнюс, Шяуляй, Алитус шаҳар комитетлари тузилди. Каунас, Клайпеда шаҳарларида ва бир қатор қишлоқ районларида ташкилот комитетлари тузилиб, улар шаҳар, район партия конференцияларига тайёргарлик кўрмоқдалар. 1990 йил 20 январда Литва аҳолисининг аксарияти яшайдиган асосан қишлоқ район партия ташкилотлари вакилларидан иборат партия фаоллари республика кенгаши бўлиб ўтди. Бу коммунистлар КПСС йўлини изчиллик билан ҳимоя қилишларини айтишди.

Биз алоҳида шароитларда ишлаяпмиз. Бу — янгитдан ташкил топган Литва Компартияси ўзининг демократикроқ мақомига, яъни уставига амалий фаолиятни жорий этган шароитдир. Шу сабабли биз КПСС Марказий Комитетидан партия турмушининг бир қатор масалаларини республикамизда вужудга келган шароитга мувофиқ тарзда пухтароқ ҳал этишни илтимос қиламиз, чунки амалдаги КПСС Уставига биноан биз Литва Компартияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) турмушидаги етилган масалаларни оператив ҳал эта олмаймиз. Лекин энг муҳими — КПСС Марказий Комитети Пленумининг ҳужжатларида Литва Компартиясининг (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) фаолиятини тан олишдир, Литва Компартияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) сиёсати қўллаб-қувватланмаса, Литвада партия ташкилотларига аниқ-равшан муносабат бўлмаса, Литвада КПСС аъзоларининг социал ҳимояси соҳасида тадбирлар кўрилмаса, КПСС Литвада ўн мингларча коммунистлардан маҳрум бўлади. Натижада Литвада КПСС Марказий Комитетининг сиёсий таянчи тораяди, Литвада КПССнинг сиёсий кучи анча заифлашади, Литва ССР гражданлари онгига КПССнинг сиёсий таъсири камаяди. Бу эса республикада сиёсий тангликни янада чуқурлаштиради.

Литвада миллий масала ҳам мавжуд. Бу эса Литва территориясида яшаётган кўпчилик рус ва поляк аҳолисини ташвишга солаётир. Адолатсизлик хусусида шикоятлар жуда кўп. Кўпгина кишилар, айниқса рус миллатига мансуб кишилар республикада вужудга келган вазиятдан чўчиб қолганлар. Литва тилининг давлат мақоми белгиланган, лекин Литвада рус ва поляк тилларининг юридик мақоми ҳал этилгани йўқ. Республика Компартиясининг раҳбарияти бу масалада абжирлик кўрсата олмади.

Нотиқ ўз нутқини тугаллар экан, бундай деб таъкидлади: шуни айтмоқчиманки, Литвада амалда иккита компартия иш олиб бормоқда, бинобарин, КПСС Марказий Комитети Совет Литвасидаги вазиятга тўғри баҳо бериши, уларнинг мавжудлигини тан олиши керак. Лекин айни вақтда Литва Компартиясининг XX съезди ҳужжатларига принципиал баҳо бериш лозим.

Литва Компартияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) республикада ижтимоий негизга эга. Унинг сафлари ўсаверади. Республиканинг ҳаётдаги сиёсий мавқеи ҳам аста-секин ошиб бормоқда. У республикадаги миллий хусусиятларни ҳисобга олиб, Литва халқи ва Литва территориясида яшовчи халқларнинг манфаатларига ҳам, бутун совет халқи манфаатларига ҳам мувофиқ келадиган сиёсатни ўтказаверади.

Литва меҳнат коллективларида, партия ташкилотларида бўлган учрашувлар қатнашчиси, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Вологда область комитетининг биринчи секретари **В. А. Купцов** республикадаги вазият ҳақидаги хулосалар хусусида фикрларини айтди. Унинг сўзларига қараганда, вазият илгари тасаввур қилинганидан анча мураккаброқ. Ҳамма жойда бўлганидек, бу ерда ҳам кўпгина қийинчиликлар бор, албатта — шуни ҳам холисона тан олиш керакки, ўз ички муаммолари ҳам кўп. Марказга нисбатан даъволар жуда кўп. Республиканинг алоҳида тарихий ўтмиши вазиятни янада чуқурлаштираяпти. Бизнинг қайта қуриш давримизда ҳам кўпгина хаталарга йўл қўйилди. Энг асосий хато шуки, Литва раҳбарияти кўтараётган масалалар марказ даражасида ўз вақтида ҳал этилмаётир. Шу сабабли Москвага нисбатан норозилик кучайиб кетди ва ҳатто марказ қандайдир душман қиёфасида намоён бўла бошлади. Шу сабабли Москва қабул қиладиган ҳамма қарорлар ишончсизлик билан, алоҳида, қандайдир ортиқча шубҳа билан кутиб олинади. Шу сабабли КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил декабрь Пленуми берган баҳолар ва чиқарган хулосалар ҳам танқидий кутиб олинди ва консерватизм ифодаси деб баҳоланмоқда.

Литва Компартиясининг XX съезди қарорларига амал қилиш позицияси бундан бўён ҳам атайин жиддийлигича қолаётир. Партиянинг ажралиши, жамиятнинг миллий белгига қараб табақаланиши давом этмоқда. Барча сиёсий кучларнинг илгариги қарамақаршилиги ва уларнинг қайта қуриш мақсадларини талқин қилишдаги принципиал келишмовчиликлари ҳозир барча ҳаракатлар ва сиёсий партияларнинг бир йўналишдаги — Литванинг миллий алоҳидалиги, унинг ССР Иттифоқидан чиқиши, Компартиянинг фақат КПССдан ташқарида иш олиб бориши сари йўналишда ўсишган ҳаракатларга аниқ ўсиб ўтди. Республикада ҳозир вужудга келган вазиятнинг моҳияти ана шунда. Бутун 1989 йил мобайнида Литва Компартияси ўзининг демократик мақомига, яъни уставига амалий фаолиятни жорий этган шароитдир. Шу сабабли биз КПСС Марказий Комитетидан партия турмушининг бир қатор масалаларини республикамизда вужудга келган шароитга мувофиқ тарзда пухтароқ ҳал этишни илтимос қиламиз, чунки амалдаги КПСС Уставига биноан биз Литва Компартияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) турмушидаги етилган масалаларни оператив ҳал эта олмаймиз. Лекин энг муҳими — КПСС Марказий Комитети Пленумининг ҳужжатларида Литва Компартиясининг (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) фаолиятини тан олишдир, Литва Компартияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) сиёсати қўллаб-қувватланмаса, Литвада партия ташкилотларига аниқ-равшан муносабат бўлмаса, Литвада КПСС аъзоларининг социал ҳимояси соҳасида тадбирлар кўрилмаса, КПСС Литвада ўн мингларча коммунистлардан маҳрум бўлади. Натижада Литвада КПСС Марказий Комитетининг сиёсий таянчи тораяди, Литвада КПССнинг сиёсий кучи анча заифлашади, Литва ССР гражданлари онгига КПССнинг сиёсий таъсири камаяди. Бу эса республикада сиёсий тангликни янада чуқурлаштиради.

Литвада миллий масала ҳам мавжуд. Бу эса Литва территориясида яшаётган кўпчилик рус ва поляк аҳолисини ташвишга солаётир. Адолатсизлик хусусида шикоятлар жуда кўп. Кўпгина кишилар, айниқса рус миллатига мансуб кишилар республикада вужудга келган вазиятдан чўчиб қолганлар. Литва тилининг давлат мақоми белгиланган, лекин Литвада рус ва поляк тилларининг юридик мақоми ҳал этилгани йўқ. Республика Компартиясининг раҳбарияти бу масалада абжирлик кўрсата олмади.

Нотиқ ўз нутқини тугаллар экан, бундай деб таъкидлади: шуни айтмоқчиманки, Литвада амалда иккита компартия иш олиб бормоқда, бинобарин, КПСС Марказий Комитети Совет Литвасидаги вазиятга тўғри баҳо бериши, уларнинг мавжудлигини тан олиши керак. Лекин айни вақтда Литва Компартиясининг XX съезди ҳужжатларига принципиал баҳо бериш лозим.

Литва Компартияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) республикада ижтимоий негизга эга. Унинг сафлари ўсаверади. Республиканинг ҳаётдаги сиёсий мавқеи ҳам аста-секин ошиб бормоқда. У республикадаги миллий хусусиятларни ҳисобга олиб, Литва халқи ва Литва территориясида яшовчи халқларнинг манфаатларига ҳам, бутун совет халқи манфаатларига ҳам мувофиқ келадиган сиёсатни ўтказаверади.

Литва меҳнат коллективларида, партия ташкилотларида бўлган учрашувлар қатнашчиси, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Вологда область комитетининг биринчи секретари **В. А. Купцов** республикадаги вазият ҳақидаги хулосалар хусусида фикрларини айтди. Унинг сўзларига қараганда, вазият илгари тасаввур қилинганидан анча мураккаброқ. Ҳамма жойда бўлганидек, бу ерда ҳам кўпгина қийинчиликлар бор, албатта — шуни ҳам холисона тан олиш керакки, ўз ички муаммолари ҳам кўп. Марказга нисбатан даъволар жуда кўп. Республиканинг алоҳида тарихий ўтмиши вазиятни янада чуқурлаштираяпти. Бизнинг қайта қуриш давримизда ҳам кўпгина хаталарга йўл қўйилди. Энг асосий хато шуки, Литва раҳбарияти кўтараётган масалалар марказ даражасида ўз вақтида ҳал этилмаётир. Шу сабабли Москвага нисбатан норозилик кучайиб кетди ва ҳатто марказ қандайдир душман қиёфасида намоён бўла бошлади. Шу сабабли Москва қабул қиладиган ҳамма қарорлар ишончсизлик билан, алоҳида, қандайдир ортиқча шубҳа билан кутиб олинади. Шу сабабли КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил декабрь Пленуми берган баҳолар ва чиқарган хулосалар ҳам танқидий кутиб олинди ва консерватизм ифодаси деб баҳоланмоқда.

Литва Компартиясининг XX съезди қарорларига амал қилиш позицияси бундан бўён ҳам атайин жиддийлигича қолаётир. Партиянинг ажралиши, жамиятнинг миллий белгига қараб табақаланиши давом этмоқда. Барча сиёсий кучларнинг илгариги қарамақаршилиги ва уларнинг қайта қуриш мақсадларини талқин қилишдаги принципиал келишмовчиликлари ҳозир барча ҳаракатлар ва сиёсий партияларнинг бир йўналишдаги — Литванинг миллий алоҳидалиги, унинг ССР Иттифоқидан чиқиши, Компартиянинг фақат КПССдан ташқарида иш олиб бориши сари йўналишда ўсишган ҳаракатларга аниқ ўсиб ўтди. Республикада ҳозир вужудга келган вазиятнинг моҳияти ана шунда. Бутун 1989 йил мобайнида Литва Компартияси ўзининг демократикроқ мақомига, яъни уставига амалий фаолиятни жорий этган шароитдир. Шу сабабли биз КПСС Марказий Комитетидан партия турмушининг бир қатор масалаларини республикамизда вужудга келган шароитга мувофиқ тарзда пухтароқ ҳал этишни илтимос қиламиз, чунки амалдаги КПСС Уставига биноан биз Литва Компартияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) турмушидаги етилган масалаларни оператив ҳал эта олмаймиз. Лекин энг муҳими — КПСС Марказий Комитети Пленумининг ҳужжатларида Литва Компартиясининг (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) фаолиятини тан олишдир, Литва Компартияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) сиёсати қўллаб-қувватланмаса, Литвада партия ташкилотларига аниқ-равшан муносабат бўлмаса, Литвада КПСС аъзоларининг социал ҳимояси соҳасида тадбирлар кўрилмаса, КПСС Литвада ўн мингларча коммунистлардан маҳрум бўлади. Натижада Литвада КПСС Марказий Комитетининг сиёсий таянчи тораяди, Литвада КПССнинг сиёсий кучи анча заифлашади, Литва ССР гражданлари онгига КПССнинг сиёсий таъсири камаяди. Бу эса республикада сиёсий тангликни янада чуқурлаштиради.

Литвада миллий масала ҳам мавжуд. Бу эса Литва территориясида яшаётган кўпчилик рус ва поляк аҳолисини ташвишга солаётир. Адолатсизлик хусусида шикоятлар жуда кўп. Кўпгина кишилар, айниқса рус миллатига мансуб кишилар республикада вужудга келган вазиятдан чўчиб қолганлар. Литва тилининг давлат мақоми белгиланган, лекин Литвада рус ва поляк тилларининг юридик мақоми ҳал этилгани йўқ. Республика Компартиясининг раҳбарияти бу масалада абжирлик кўрсата олмади.

Нотиқ ўз нутқини тугаллар экан, бундай деб таъкидлади: шуни айтмоқчиманки, Литвада амалда иккита компартия иш олиб бормоқда, бинобарин, КПСС Марказий Комитети Совет Литвасидаги вазиятга тўғри баҳо бериши, уларнинг мавжудлигини тан олиши керак. Лекин айни вақтда Литва Компартиясининг XX съезди ҳужжатларига принципиал баҳо бериш лозим.

Литва Компартияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) республикада ижтимоий негизга эга. Унинг сафлари ўсаверади. Республиканинг ҳаётдаги сиёсий мавқеи ҳам аста-секин ошиб бормоқда. У республикадаги миллий хусусиятларни ҳисобга олиб, Литва халқи ва Литва территориясида яшовчи халқларнинг манфаатларига ҳам, бутун совет халқи манфаатларига ҳам мувофиқ

(Давоми. Боши газетанинг 7, 8, 9, 10 ва 11 февраль сонларида).

лишини ва нормал фаолиятини таъминлайдиган энг қатъий чораларни жуда қисқа муддат ичида кўриш керак. Унинг тарафдорларига қарши бадном қилиш ва психологик таъсир кўрсатиш кампанияси авж олдириб юборилган. Партия аъзолари аслида икки йўлдан бирини танлашга мажбурдирлар: ёки ўз қарашларини баён қилиб, психологик тазйиққа дучор бўлишлари ёки ҳукмрон сиёсий фикрни қабул қилишлари керак. Буларнинг ҳаммаси коммунистларнинг бир қисмини КПСС билан ташкилий алоқалар узилишини аслида маъқулламаётган бўлсаларда, мустақил партия тарафдори сифатида фикр айтишга мажбур этмоқда. Уларнинг кўплари ҳозир фаол иш олиб боришлари мумкин эди. Лекин оиласининг тақдиридан, ишдан маҳрум бўлишдан, четга чиқиб қолишдан, социал ҳимоядан маҳрум бўлишдан, қўрқиб, ўз принципиал позицияларини айтолмаётирлар.

Нутқда республикаларнинг ССР Иттифоқидан чиқиш механизми тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тезда ишлаб чиқиш зарурлигига эътибор қаратилди. Бу механизмда муаммоларнинг ҳамма жиҳатларини кўзда тутиш, республика территориясидаги рус тилида гаплашадиган аҳолининг социал ҳимоясини унутмаслик керак.

Оқилона матонат кўрсатиб, ташаббусни ўз қўлимизга олишимиз, барча миллат ва элатларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда умумдавлат иттифоқ манфаатларини ҳимоя қилишда қатъият кўрсатишимиз керак.

Мазкур масала юзасидан бугунги Пленум қарорларини Литвадагина эмас, балки бошқа регионларда коммунистлар ва меҳнаткашлар ҳам кутмоқдалар — Латвия Компартияси Рига шаҳар комитетининг биринчи секретари **А. П. Клауцен** ўз нутқини ана шундай бошлади.

Республикамизда, деб давом этди у, Латвия халқ фронти Компартияга нисбатан реал оппозициядадир. Бир томондан, демократиялаш, ошкоралик таъсирида, иккинчи томондан миллий ўз-ўзини англаш кучайиши таъсирида ташкил топган республика халқ фронти дастлабки босқичда ўз шиорларида қайта қуришни, Горбачев номини, янгиланишни шарафлади. Бироқ халқ фронтининг бултур кузда бўлиб ўтган иккинчи съездида эса унинг ўнг қаноти — Латвия миллий мустақиллиги учун кураш ҳаракати устунлик қилди. У ўз программасида 1940 йилгача мавжуд бўлган давлатчиликни қайта тиклаш вазифасини, яъни буржуа тузумини амалда таъмирлашни ошкора ўртага қўйди. Халқ фронтининг раҳбарлари ўз съездидан кейин тез орада Латвия Компартиясини баралла ўз мухолифи деб эълон қилдилар. Ҳозир эса халқ фронти раҳбарлари КПСС сафидан чиқмоқдалар ва республика Компартиясини ўз-ўзидан тарқатиб юборишга даъват этмоқдалар.

Фронт раҳбарлари Латвия халқ фронти партия эмас, балки ҳаракатдир, демоқдалар. Айни пайтда у қаттиқ интизомга асосланган аниқ ташкилий структурага эгадир. Раҳбар органларнинг мажлислари одатда махфий ўтказилмоқда. Қабул қилинадиган қарорлар сўзсиз бажарилиши керак.

Хуллас, улар партия ишининг демократик шакл ва методлари билан қуролланмаганлар, балки бугунги кунда бизларни ана шу шакл ва методлардан воз кечишга даъват этмоқдалар. Бу ҳақда, хусусан ўртоқ Ельцин мана шу минбардан гапирди. Борис Николаевич КПСС Марказий Комитетининг таклиф этилаётган ҳаракат дастурини рад этиб, янги ҳаракат дастурини ўртага қўйди. Уни рўёбга чиқариш эса амалда КПССни ислоҳ қилишга эмас, балки барбод этишга, албатта, ҳукмрон партия бўла олмайдиган бошқа, бирмунча мужмал партиянинг ташкил этилишига олиб келади. У ва унинг тарафдорлари партиямизнинг тарихий ўтмишини, партия тўғрисидаги Ленин таълимотини ҳисобга олиш у ёқда турсин, балки бугунги кунда жумладан, регионимизда реал ҳокимият учун курашаётган янги ҳаракатлар тажрибасини сезмаяптилар.

Рига шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ана шу курашнинг боришига баҳо бериб, бугунги кунда у халқ фронти учун бирмунча муваффақият келтираётганини тан олди. Масалан ўтган йили СССР халқ депутатлари сайловида ва бу йил маҳаллий Советларга ўтказилган сайловда фронт умуман республикада ғалабага эришди. Ҳозир Рига шаҳридаги район Советлари халқ депутатларининг кўпчилиги — халқ фронти вакилларидир. Нотиқ халқ фронти вакиллари долзарб муаммоларни бирмунча яхши ҳал этишлари, халқ манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишлари мумкин деган даъвони рад этди. Масалан, Ленин район Советига сайланган депутатлар биринчи сессияда айрим кўча номларини эмас, балки ўзларининг бутун районининг номини ўзгартириш учун кураш кампаниясини авж олдирдилар. Кўчалар номини ўзгартириш — ижтимоий ва сиёсий ўзгартишлар занжиридаги бир бўғиндир, холос.

Инсонпарварлик ғалабаларимизга, турмуш тарзимизга ошкора сурбетларча ҳужум бошланди. Кейинги вақтда бир қатор журналистларнинг ташаббуси билан Германия фашизми томонида туриб жанг қилган латиш легионерлари уруш қатнашчиларимиз билан баб-баравар имтиёзлардан фойдаланишлари керак деган масала ўртага қўйилмоқда. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари республикаларимизда гражданларнинг ҳуқуқларини камситувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинганлигини, Совет Армиясига нисбатан таркиб топаётган вазиятни эслатиб ўтди. Яъни бугунги кунда турмушимизга янги ахлоқ кириб келмоқда, деб хулоса қилди.

Ҳозир республика Олий Советига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик авж олдирилмоқда. Латвия халқ фронти республика парламентида кўпчилик овозга эга бўлиш, сўнгра эса парламент йўли билан мавжуд ижтимоий тузумни ўзгартиришга эришиш вазифасини ўртага қўйди.

Ана шундай шароитда республика Компартияси нима қилмоқда? — деб савол берди Пленум қатнашчиси ва шу заҳотиёқ: Компартия ўз позицияларини қўлдан бой бермоқда, бамайлихотирлик ва сусткашликка йўл қўймоқда, деб жавоб қайтарди. Республика Компартияси Марказий Комитетининг январь ойида бўлиб ўтган пленуми партиянинг навбатдаги, XXV съездига фаол тайёргарликни бошлаб берди. Бироқ, мана шу пленумдан кейинги дастлабки кунлардаёқ унинг қарорларини маъқулламаётган бир гуруҳ коммунистлар республиканинг «мустақил» Компартиясини тиклаш учун ташкилий комитет тузишларини эълон қилдилар.

Кўз ўнгимизда жамоатчилик фикри, жамият кайфиятлари ўзгармоқда ва ҳозирги вақтда республика аҳолисининг катта қисми марксизм-ленинизм идеологиясига, социализмга ишонмай қўймоқда, КПССга, иттифоқимизга салбий муносабат кучаймоқда. Нотиқ бундай аҳвол жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг энг муҳим омилига эга бўлган оммавий ахборот воситалари билан боғлиқ эканлигини айтди. Латвия Компартиясининг ана шу муҳим соҳадаги таъсири бугунги кунда деярли бошқа кучлар, айнан Латвия халқ фронти тарафдорлари қўлига ўтмоқда.

Кун сайин, бир-икки йилдан буён, радио, телевидение орқали, матбуот саҳифаларида социализм қадриятлари ёмон отлиқ қилинаётган бир пайтда аҳоли бунга нисбатан лоқайд бўла оладими? Албатта, йўқ. Коммунистлар оммавий ахборот воситаларининг ишига зарур даражада таъсир кўрсатмаётганлигимизни таъна қилмоқдалар. Улар кўп жиҳатдан ҳақдирлар.

Шу билан бирга, деб таъкидлади нотиқ, иш фақат бизгагина боғлиқ эмас. Олий комсомол мактабида бўлса керак, яқинда ўтган учрашувда ҳурматли Александр Николаевич Яковлев оммавий ахборот воситалари реал турмушда содир бўлаётган жараёнларни фақат холис акс эттирмоқдалар, деган фикрни айтди. Аслини олганда бу фикрни Пленумда Вадим Андреевич Медведев ҳам тасдиқлади. Республика мисолида гапирадиган бўлсак, деди Рига партия ташкилотининг раҳбари, оммавий ахборот воситалари рўй бераётган жараёнларни холис акс эттиришдан кўра уларни зарур йўналишга солмоқдалар. Ҳамиша шундай бўлган эди, ҳозир ҳам шундай бўлмоқда.

Биз қайта қуришимизнинг салбий жиҳатлари тўғрисида кўп гапираяпмиз, мамлакатнинг турли регионларида миллатлараро адоват содир бўлаётганлигини, бошқаларида эса миллатчилик, шовинизм, айирмачилик кайфиятлари намоён бўлаётганлигини айтяапмиз. Нима учун шундай бўлаётганлиги, айни кимлар жамиятни бекарор қилаётганлиги тўғрисида эса жуда кам гапираяпмиз. Болтиқбўйидаги вазият бошқача бўлмай, балки умуман жамиятда рўй бераётган жараёнларнинг бир қисмидир. Шунинг учун ҳалоллик билан, атрофлича таҳлил этмай, салбий ҳолатларнинг сабабларини аниқламай туриб, мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштиришга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, жамиятнинг танглик ва емирилиш сари силжишини тўхтатиш мумкин эмас.

КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи Литва Компартияси муваққат Марказий Комитетининг секретари **В. Н. Шведнинг** айтишича, ноқулай бўлсада, бир мисолни келтирди. Литва Компартияси мустақиллиги учун кураш ҳаракатини бошлаб берган профессор С. Уосис бундан бир ҳафта илгари партия билетини топширди. У янгиланган партияда бўлишимнинг ҳожати йўқ, чунки у кўп жиноятларга йўл қўйди, деб даъво қилди. Ваҳолонки, унинг ўзи фаол қатнашган XX съезднинг иши тугаган кундан бери атиги бир ой ўтди.

Бугунги кунда эса кўпгина шундай ҳолатларни учратиш мумкин. Компартияни боши берк кўчага олиб кирдилар ва жавобгарликдан ўзларини четга олишга уринмоқдалар. Нотиқ бундай ҳолатлар Литва Компартиясидаги танглик бартараф этилдими, деган саволга жавоб қайтариш учун асос бўлади, деб ҳисоблайди. Партия фаолиятидаги умуман қайта қуриш тўғрисида гапириладиган бўлса, бу қайта қуриш эмас, балки позицияларни қўлдан бой бериш, мақсадлар, ғоялар ва шиорларни алмаштириш эканлиги тўғрисидаги фикрга қўшилмасдан бўлмайди.

Нотиқ XX съезднинг қарорлари натижасида қайта ташкил этилган Литва Компартияси билан КПСС ўртасида юз берган принципиал зиддиятлар тўғрисида гапириб, бу зиддиятларнинг моҳияти иттифоқдами ёки иттифоқдан ташқаридa бўлиш керакми, деган саволга бориб тақалади. Биз ҳам Литванинг ташқаридан таъсир ўтказишдан, волюнтаризмдан куч билан тазйиқ ўтказишдан, бюрократик централизмдан ҳоли бўлиши, аммо ҳудди шундай республикалар иттифоқида мустақил, социалистик, эркин Литва республикаси бўлиши тарафдоримиз, деди у.

Шунинг учун КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорида XX съезд қарорларига ташкилий-устав жиҳатидангина эмас, шу билан бирга ғоявий-сиёсий жиҳатдан ҳам баҳо берилиши ғоят зарурдир. Бундай масалаларда икки хил фикр ва ноаниқликка ҳеч ким йўл қўйиб бўлмайди.

Республикадаги КПСС аъзолари хусусида ҳам бир мунча аниқ фикр айтиш зарур. Шундай бўлмоқдаки, барча коммунистлар КПСС аъзолари бўлиб қоладилар, яъни Литва Компартиясида мустақиллик мақоми амалда сақланиб қолади. Аммо бундай эмас. XXVIII съездга делегатларни бирталикда сайлаш таклиф этилмоқда, ташкилий жиҳатдан ҳам мутлақо бундай қилиб бўлмайди.

Муваққат Марказий Комитет секретари воқеалар ривожининг боришини таҳлил этиб, партиядаги бўлиниш республикадаги ва умуман жамиятдаги аҳволни кескинлаштирганлигини айтди. Ҳокимият органларининг барча даражаларида аслида шундай бўлди. Вазият бошқача ривожланиши мумкин эдими, деган саволга назарий жиҳатдан мумкин эди, амалий жиҳатдан йўқ, деб жавоб берса бўлади. Вақт қўлдан бой берилганлиги ва, конкрет мисоллардан хулоса чиқарганда, КПСС Марказий Комитетида бундай вазиятга унчалик эътибор бермай, зарур даражада жадаллик кўрсатилмаганлиги натижасида шундай бўлди.

Нотиқ республикада коммунистларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш жараёни сингари муҳим сиёсий масала хусусида гапириб, КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи Литва Компартиясининг ноаниқ ҳолатда эканлиги коммунистларни қўлдан бой беришга олиб келмоқда, деб таъкидлади. Бу борада қайта ташкил этилган Литва Компартияси тарафдорларига ҳозирча ҳавас қилса бўлади. Улар ҳатто партиянинг атиги бир неча ўн аъзоси бўлган районларда ҳам шаҳар ва район комитетларига эгадирлар. Юз мингга яқин коммунист ҳали узил-кесил йўл танлагани йўқ.

КПСС аъзоларининг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланмаганлиги ҳам коммунистларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш жараёнига жуда катта таъсир кўрсатмоқда, деди сўнгра нотиқ. Иттифоқ қонунларини назар-писанд қилмаслик ва уларга зид бўлган республика қонунларини қабул қилиш ҳоллари кенг тарқалди. Шу жиҳатдан қараганда КПССни қонундан ташқари, деб эълон қилиш тўғрисидаги фикрлар кўпгина коммунистлар учун реал мазмун касб этмоқда. Шунинг учун партиядан халқ депутатларининг қонун чиқариш соҳасида янада актив фаолияти тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайман ва уларга иттифоқдош республикалардаги КПСС аъзоларининг демократик кафолатларини кучайтириш тўғрисидаги таклифлар билан Олий Советга чиқишни тавсия этаман. Бу борада СССР Конституцион назорат комитети ҳам ўзининг аниқ фикрини айтиши керак.

Кейинги вақтда юзага келган муаммолар қаршисида коммунистлар назарий жиҳатдан ожиз бўлиб қолаётганлиги туфайли бугунги кунда партия кўп нарсаларни қўлдан бой бермоқда, деди сўнгра нотиқ. Кенг тарғиб қилинаётган сохта коммунистик ғоялар ва ҳужжатларни илмий асосланган тарзда танқид қилиш етишмайди.

КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи Литва Компартияси мислсиз шароитда иш кўрмоқда. Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида ва партиянинг ўзида кенг демократия ва мустақиллик бўлмаса, муваффақиятга эриша олмаймиз. Шунинг учун биз КПСС Марказий Комитетининг съездга ҳаракат дастуридаги бир қанча қоидалардан ҳозирнинг ўзидаёқ амалда фойдаланяпмиз.

Нотиқ барча маҳаллий масалаларни мустақил ҳал этиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб берилиши лозим, деган истак билдирди. У КПССнинг янги Уставида партияни ташкил этишнинг асосий принципларигина акс эттирилиши, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш тактикаси, усулларини эса иттифоқдош республикаларнинг Компартиялари мустақил белгилашлари зарур, деган ғояни қўллаб-қувватлади.

Литва Компартияси муваққат Марказий Комитетининг секретари Пленум қарорида, жумладан, XX съезд қарорлари қайта қуришга зарба бўлиб, айирмачилик характерида эканлигини, унинг программавий ҳужжатлари эса, аслида, КПССнинг ғоявий-сиёсий негизларидан чекиниш, КПССни парчалаб юбориш йўлидаги қадам ва уни Компартиялар иттифоқида қайта ташкил этишга уриниш, деб таъкидлашни таклиф этди.

КПСС Марказий Комитетининг аъз

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДА МУЗОКАРАЛАР

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Айни пайтда бутун Совет Иттифоқи манфаатларини кўзлаб ишлаётган, рус тилида гаплашувчи аҳоли нисбатан кўп бўлган корхоналарда фикрлашувлар одатда вужудга келган аҳволдан қандай қилиб чиқиб олиш йўлларини қидириб топиш хусусида борди. Биз борган бошқа бир қанча корхоналарда эса, аксинча, бутунлай айирмачилик шиорлари устун даражада илгари сурилди.

Бир қанча шаҳарларда делегациямиз учун танланган маршрутларда аҳолига қанчалик таъсир кўрсатилганлиги яққол сезилиб турди. Барча норасмий ташкилотлар фаолиятига «Саюдис» ҳаракатининг раҳбарлиги аниқ кўзга ташланади. Менинг шахсий фикрим шундан иборатки, деди нотиқ, «Саюдис» Литва Коммунистик партиясининг бўлиниб кетишига катта ҳисса қўшган. Бу нарса ҳаракат дастури ва шиорлардагина эмас, айни пайтда унинг кундалик фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. «Саюдис» у ёки бу тарзда миллатчилик ғоялари авж олишига кўмаклашмоқда, тарихий воқеалар билан найрангбозлик қилинмоқда. Совет Иттифоқи ва Литванинг бошқа тилда гаплашувчи граждани «босқинчилар» деб кўрсатилмоқда. Бу эса ҳатто аҳолининг рус тилида гаплашадиган қисми жуда кам бўлган корхоналарда ҳам одамларнинг кайфиятига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Янги ҳаракат дастурига амал қилувчи Литва Коммунистик партиясининг позициясини ҳимоя қилаётганлар қўлида бўлган оммавий ахборот воситалари ана шундай қарашларни шакллантиришга кенг кўламда таъсир қилмоқда. Нотиқнинг фикрича, КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи Коммунистик партия позициясини акс эттирувчи оммавий ахборот воситалари йўқ.

Республикадаги барча ахборот воситаларида КПССда қайта қуриш жараёнлари амалга оширилмаяпти деб доимо таъкидланмоқда. Литва Компартиясининг обрўйини ошириш ва унинг жамиятдаги таъсирини таъминлашнинг бирдан-бир имконияти КПССдан ажралиб чиқишда деб билмоқдалар. Умуман, қайта қуриш жараёнларининг моҳияти миллий маҳдудликка ва Литванинг СССР составидан чиқишига олиб боради, деб тушунилмоқда.

Шу билан бирга, коммунистларнинг бир қисми КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи Литва Компартиясининг мустақиллиги оширилишини ва ССР Иттифоқида республикаларнинг суверенитети мустаҳкамланишини ошкора ёқлаб чиқмоқда. Бундай нуқтаи назар кўп миллатли партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларига, шунингдек литвалик бўлмаган аҳоли тўп бўлиб яшайдиган районларга хосдир.

Нотиқ Литва ССР Олий Совети вазиятни янада кескинлаштириб, шу йилнинг 15 январида СССР билан федератив муносабатларни узишга қаратилган янги тадбирларни амалга оширди, жумладан СССРда конституцион назорат тўғрисидаги СССР Қонунининг ва жамғарма банкини ўз территориясидаги СССР Давлат банки ихтиёрига ўтказиш тўғрисидаги СССР Министрлар Совети қарорининг амал қилишини бекор қилди. Литвани гўё СССР иқтисодий қамал қилмоқда, деган ғоят хатарли шов-шувлар пайдо бўлди. Шу тўлқин мавжида кўп ўртоқлар ўз ғояларини ўтказдириб олиш учун имконият яратишни кўзламоқдалар.

Республикадаги учрашувлар чоғида делегация аъзолари Литванинг Совет Иттифоқидан чиқиши уни иқтисодий таназзулга олиб бориши мумкинлигини рўй-рост айтдилар, деди нотиқ. Бу далилни тушунган кишилар бўлди. Литва саноатининг асосий тармоқларини тез модернизациялаш масаласининг қўйилишига асос йўқ, чунки у ердаги илм-фан асосида ишлайдиган асосий тармоқлар гарчи Совет Иттифоқининг баъзи республикаларидагидан юқорироқ даражада бўлса ҳам, аммо илғор техника даражасидан ҳали олисда. Мамлакат халқ хўжалиги комплексидаги ихтисослашув ва кооперациялаш — рўй берган факт бўлиб, бу соҳада ўзгаришлар қилиш зарурати, монополизмни тугатиш эҳтиёжи исбот талаб қилмайди, аммо бу ишни фақат аниқ мақсадни кўзлаб ялпи куч-ғайратлар сарфлаш йўли билангина қилиш мумкин.

Нотиқ Пленум маъқуллаган ҳаракат дастури лойиҳаси негизида Литва коммунистларининг позицияларини яқинлаштириш орқали ҳозирги вазиятдан қутулиш мумкин, деган фикрни айтди.

Айни вақтда КПСС позициясида турган Литва Коммунистик партиясини унинг ҳозирги ночор аҳволида қолдириш ярамайди, деган фикр ҳам айтилди. Улар ўз базасига, ўз кадрларига эга бўлиши учун ва энг муҳими, овоз ҳуқуқига эга бўлиши учун ҳамма чораларни кўриш керак, бунинг учун уларга оммавий ахборот воситалари керак.

Иқтисодий позициялар нуқтаи назаридан, дейди Госплан раиси, ҳаракат дастури лойиҳасининг, ҳукумат программасининг, шунингдек Болтиқбўйи республикаларини иқтисодий мустақилликка ва ўзини-ўзи бошқаришга ўтказиш, шу жумладан Иттифоқ қарамоғидаги корхоналарнинг бир қисмини республика ихтиёрига топшириш, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал этишга оид биринчи галдаги чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори лойиҳасининг қоидалари шу республикалар олдида жуда кенг йўл очади.

Сўзининг охирида нотиқ Олий Совет қабул этиладиган қонунларда Иттифоқнинг яхлитлигини сақлаб қолиш масалаларини қандай қилиб тўғри акс эттириш хусусида пухта ўйлаб кўрсин, деб таклиф қилди. Федерациямизнинг бирлиги фикр-мулоҳазалар учун негиз бўлиб қолиши керак, албатта.

Бу ерда ҳар бир республиканинг Иттифоқдан чиқиш қоидалари ва мустақиллик ҳуқуқлари ҳақида кўп гапирилди. Биринчи қисм федерацияни қандай қилиб сақлаб қолишдан ва қайси шарт-шароитларда шартномавий муносабатларни йўлга қўйиш мумкинлигидан иборат бўлмоғи керак. Фақат шундан кейингина Иттифоқдан чиқишни хоҳлаган суверен республиканинг чиқиш қоидалари тўғрисидаги қонун кўриб чиқилиши, референдум эса Совет Иттифоқи составидан мана шундай чиқишни тасдиқлаши керак.

Гарчи бу залнинг шиплари баланд бўлса-да, деди Литва Компартияси Марказий Комитетининг секретари **Ю.-В. Ю. Палецкис**, лекин ҳаммамизнинг елкамизни ўтмиш юки босиб тургани тўғри. Бор гап шу, бундан кейин ҳам кўп йиллар давомида шундай бўлади, нима ҳам қила олардик. Лекин афсуски, ўтмишимиз фақат ғалаба маршлари ва қувончли рапортлардан иборат эмас. Унда демократия кам бўлди, ҳокимиятга кўр-кўрона ишониш, террорчилик, шахсга сиғинишлар жуда кўп бўлди. Шахссиз шахсга сиғинишлар ҳам бўлди.

Бугун Литва Компартиясидаги шерикларимиз билан КПСС сайлов арафасида партияга ёрдам бериши керак бўлган новаторларча ҳаракат дастурини қабул қилганлигини қувонч билан кутиб олдик. Бу партияни, жамиятни янгилашда олға ташланган жуда катта қадам, ижодий изланиш ва партиянинг бунёдкорлик кучига ишонаётганлар учун ёрдамдир.

Кун тартибининг иккинчи масаласига келганда, ўтмишни қайсарлик билан орқага тортаётганлигини ва фикрлар одатдаги сийқаликларга ҳамда зўравонлик билан ўз хоҳиш-иродасига кўра қарорлар қабул қилиш томон оғиб кетмоқда.

Афтидан, Литвадаги жараёнларни А. Н. Яковлевнинг 1988 йил августида республикага келиши билан биринчи марта боғламаяптилар. Лекин мутлақо бундай эмас. Литвада дастлабки митинглар А. Н. Яковлев келишига қадар бўлиб ўтган ва улар делегатларни XIX партия конференциясига кузатиш, делегатларни кутиб олиш билан боғлиқ бўлган эди.

В. А. Медведев XX съезд арафасида бизга — Литвага келганида ёпиқ хонада меҳмонимизга шиддатли ҳужум бошланди. Бу ҳужумлар Бразаускас ёки Березов ўртоқларга эмас, балки қайта қуришга, партиямизнинг ҳақиқий раҳбарларига қаратилган эди. Биз кўникиб қолган, бизга қимматли бўлган социализмни қутқаринг — ёрдам беринг, умуман, эски социализмни қутқариб қолинг, қабилидаги бақириқ-чақириқлар ҳам худди шу руҳда эди.

Шу даражада қаттиқ арз қилганларнинг кўпчилиги ҳозир КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи Литва Компартиясида пайдо бўлдилар. Бизда — Литва Коммунистик партиясида ортиқча одамлар йўқ, деб айтмоқчи эмасман. Жуда хилма-хил одамлар бор ва биз қоида ва ахлоқ нормаларини бузган коммунистлардан қутилишимиз мумкин бўладиган мезонларни ишлаб чиқа оладиган комиссияни тузишга қарор қилдик.

Пленум материаллари босиб чиқарилиши жуда яхши, деган фикрни билдирди нотиқ. Биринчи қисмигагина эмас, иккинчи масалага тааллуқли материалларни ҳам эълон қилиш керак. Афсуски, ана шу юксак минбардан кўп ноаниқ гапларгина эмас, айни вақтда анчагина чалкаш фикрлар айтилди.

Купцов ва Григорьев ўртоқлар бизда Шальчининкайда митингда бўлган эдилар. У ерда маҳаллий поляклар билан учрашгандилар, бу ерда ундан жуда катта таассурот олганликлари ҳақида гапирилди. Литва Олий Советининг депутатлари ҳам кеча шу ўлкага жўнаб кетишди ва улар ҳам ўша ерда поляклар, белоруслар, руслар билан учрашадилар. Лекин поляклар Белоруссияда ҳам, Украинада ҳам истиқомат қилишмоқда. Поляк тили ўқитиладиган мактаблар, олий ўқув юртлари, шунингдек поляк газеталари ва журналларига келганда, Литвада юқорида тилга олинган республикаларга нисбатан аҳвол анча яхши, тўғри бу ишларни жуда ҳам кўнгилдагидек, деб бўлмайди, белоруслар учун ҳам, поляклар учун ҳам, республикамиздаги бошқа миллатларнинг вакиллари учун ҳам шароитни яхшилаш керак.

Бу ерда ўзини ўзи мудофаа қилиш, деган луқма ташланди. Кишида шу заҳотиёқ қуролли отрядлар, жангарилар ва ҳоказо ҳақида тасаввурлар пайдо бўлади. Мутлақо бундай эмаслиги шубҳасиз. Қуролли кураш ёрдамида эмас, балки қонунлар ёрдамида ҳимоя қилиш назарда тутилган эди. Афсуски, Пленумда Болтиқбўйидаги воқеалар Кавказортидаги воқеаларга тенглашади, деган гаплар яна айтилди. Гўёки бизда алғов-далғов эмиш, гўёки бизда қон тўкилаётган ёки шунга ўхшаш воқеалар бўлаётган эмиш. Бу, ахир, нотўғри.

Республика вакили Литванинг туб аҳолисига мансуб бўлмаган кишилар ўртасидаги ваҳимали кайфиятга тўхталиб, ваҳимага тушиш учун ҳеч қандай асос йўқ, деб ишонтирди.

Янгиланган Литва Компартиясини қўллаб-қувватлаш тўлқини жуда тез орада Литвада коммунизмга қарши катта тўлқинга айланди. Шуни айтиш керакки, бу тўлқин Литва Коммунистик партияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи)га қарши қаратилмаган, аксинча мустақил Литва Компартиясига аниқ-равшан сиёсий куч сифатида қарши қаратилган эди. Бу партия сайловолди курашида баъзилар учун жуда жиддий рақиб ҳисобланади.

Бу минбардан туриб баландпарвоз бир савол берилди: СССР таркибида бўлиш керакми ёки СССР таркибида бўлиш керак эмасми? Мен ўйлайманки, ўртоқ Бразаускас ҳам, ўртоқ Бурокявичюс ҳам бу саволга жавоб беришга ваколат олмаганлар. Ушбу саволга фақат биргина литва халқи жавоб бериши мумкин.

Литва коммунистларининг янгиланган партияси ўтмишда ўз халқи олдида жиноят қилган сталинизм зўравонлиги остида бўлган КПСС Литва партия ташкилотидан ажралиб чиқди. Литва мустақил партиясининг аъзолари ўз программавий ҳужжатларида мустақиллик ғояларини эълон қилар эканлар, улар литва халқининг тинч, демократик йўл билан Литва давлати мустақиллигини тиклашга интилаётганлигини тўла қўллаб-қувватлайдилар. Литва коммунистлари шу мақсад йўлидан бориб, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан дўстона муносабатларни сақлаш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қиладилар.

Мендан олдин сўзга чиққан ўртоқ Палецкис билан мунозара қилмоқчи эмасман. Унинг тутган йўли яқиндагина Литвада бўлган Михаил Сергеевич Горбачевнинг тутган йўлига, Сиёсий бюро бошқа аъзоларининг тутган йўлига мутлақо тўғри келмайди, деди Литва Компартияси муваққат Марказий Комитети (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи)нинг секретари **В.-Ю. Ю. Кардамавичюс.** Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети аъзоларидан ана шу бизнинг масаламиз — Литва масаласи юзасидан ҳозир яна қандай муроса йўлларини излаяпмиз, деб сўрамоқчиман.

Нотиқ КПСС Марказий Комитети Пленумининг Литва Компартияси XX съезди қарорлари тўғрисидаги қарор лойиҳасини ундаги қатъиятсизлик, иккиёқламалилик учун танқид қилди. Бровиков, Лигачев, Сайкин Совет Иттифоқидаги кўплаб коммунистлар ўйлаётган фикрларни айтдилар. Агар ўртоқ Яковлевнинг ўз фикри бўлса ва уни айтиш ҳуқуқига эга бўлса, биз ҳам шундай ҳуқуққа эгамиз. Биз ўртоқларга шуни яна бир бор айтмоқчимизки, ўртоқ Яковлевнинг Литвада бўлиши республикадаги ишларга бирмунча ёмон жиҳатларни киритган, эҳтимол, Литва Компартияси XX съезди қарорларига ҳам билвосита таъсир қилгандир. Ўртоқ Яковлевнинг Литвадаги баъзи зиёлилар билан учрашувлари шундан далолат беради.

Нотиқ Пленум қатнашчиларини ҳалол гапиришга чақирди. Литва Компартияси ўзининг XX съездида КПССдан чиқди ва энди унга қайтмайди. XX съезд ҳаракат дастуридаги Литва Компартиясининг номи шунчаки ниқобдир. У Коммунистик партия эмас, унда коммунистик фазилатлар жуда ози қолган. Литва Компартиясининг низоми — Коммунистик партия низоми эмас. Бу социал-демократик руҳдаги партиянинг низомидир. Боз устига, унга майда буржуазия тутган йўлнинг айрим жиҳатлари ҳам киритилган. Наҳотки, бу КПСС Марказий Комитети аъзоларига ҳали ҳам тушунарли бўлмаса?

XX съезд ҳаракат дастуридаги Литва Компартиясининг иш мазмуни унинг раҳбар органларига сайланган кишиларнинг, Марказий Комитет аъзоларининг, бюро аъзоларининг, секретариат аъзоларининг тутган йўли билан белгиланади. Бу кишиларнинг кўпчилиги таниш; улар коммунистик позицияларга, баъзилари эса ҳатто социализмга ёт бўлган реакцион позицияларда туришибди. Уларнинг мақсади Литвани Совет Иттифоқидан ажратиб олишдир. Энди шундан кейин ҳам муроса қилиш керакми? Муваққат Марказий Комитет секретари, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари бунга йўл қўймайдилар, уларга ён босмасдан, иложи борича кўпроқ қатъият кўрсатадилар, деб ишонч билдирди. Нотиқ Литва Компартияси XX съезди қарорини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан ажралиш деб ҳисоблашга, Литва Компартияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи)ни ҳамда Литва Компартияси VI партия конференцияси қарорларини ваколатли деб тан олишга ва унинг қаноти эмас, балки Литва Коммунистик партияси нормал ишлашини таъминлаш учун барча зарур ёрдамни беришга чақирди.

У мазкур масаланинг яхши негизи бор, биз йўл-йўриқларимизни қўллаб-қувватлаётган кўплаб коммунистларга эгамиз, деб таъкидлади. Бизда Партия тарихи институти, Вильнюс Олий партия мактаби ва ана шу Компартиянинг нормал фаолият кўрсатиши учун ёрдам бера оладиган бошқа муассасалар бор.

Нотиқ лойиҳанинг КПСС XXVIII съездига Литва коммунистлардан делегатлар сайлаш тартиби баён этилган бандни олиб ташлаш кераклигини айтди.

Ўйлайманки, декабрь Пленумида ушбу республикада авж олган фавқулодда муҳим воқеалар муносабати билан Михаил Сергеевич Горбачевнинг ва Марказий Комитет аъзоларидан бир группасининг Литвага бориб келишлари муҳим, деб топганлигимиз жуда оқилона иш бўлди, деди КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Е. К. Лигачев.**

Агар сиз каби мен ҳам Михаил Сергеевич ва бошқа ўртоқларимизнинг Литвада бўлган даврларида ғоят мазмунли ва маҳорат билан иш юритганларидан қувонганлигимни айтсам, носамимийликка йўймасангиз керак, деб ўйлайман.

Энди эса ҳаракат қиладиган, қарорлар қабул қилинадиган вақт келди, деб таъкидлади нотиқ. Ўртоқ Бразаускас бу ерда Марказий Комитетнинг ҳаракат дастури унинг таклифларига муҳтож, бу таклифларнинг кўпидан аллақачон фойдаланилди, улар синаб кўрилди, деб бизни ишонтиришга уринди. Улар бизга: сиз бизнинг изимиздан кетяпсиз, дейишмоқда.

Мен ленинча йўлдан чиқиб кетаётган ўртоқларимиз кўпинча мана бундай қилишаётганини аллақачон сезгандим: партия нима қилаётган бўлса, нималарни ишлаб чиқаётган бўлса, улар шу нарсаларни ўзларига олиб, сиёсий сармоя сифатида ўзлаштирмоқдалар. Афсуски, ўртоқ Бразаускас ҳам бундан четда қолмади. Лекин Марказий Комитетнинг съездга ҳаракат дастурида худди ўша бизни ажратиб турадиган омиллар йўқ. Ҳаракат дастурида Компартиянинг, республиканинг ҳозирги раҳбарлари айтаётган йўл, яъни КПССдан чиқиш йўли йўқ.

Ўртоқларимиз республикадаги ҳамма ижтимоий кучлардан олдинда кетаётганларини, халқ ўртасида ўзларига бўлган ишончни мустаҳкамлаб, катта сиёсий фойда олганликларини айтдилар. Лекин масала шундаки, улар бунга қандай қилиб эришдилар? Ниманинг эвазига эришдилар? Улар илғор ғояларни излаётгандек қилиб кўрсатишмоқда, ўзларини. Лекин фактлар бу уринишларга унча ишониб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Биз ҳам излаяпмиз. Биз ҳаммамиз излаяпмиз. Лекин биз партия ва давлат бирлигини бузиш йўлидан бораётганимиз йўқ.

Эндиликда, тақдиримизга дахлдор вақтда Коммунистик партиямизнинг бирлиги ниҳоятда муҳимдир. Нотиқ жанговар,юксак даражада уюшган партиясиз жамиятимизни жуда кескин вазиятдан олиб чиқиш мутлақо мумкин эмаслигига чуқур ишонч билдириб, муросага келиш тарафдори эканлигини айтди. Унинг фикрига кўра, муроса қилиш зарур ва мумкин, лекин ҳеч қандай принципиал ёнбосишларга бормаслик керак.

Қадим-қадимда юнонлар Афлотун менинг дўстим, лекин ҳақиқат ундан ҳам азиз-роқ, дейишарди. Ҳақиқат эса шундан иборатки, менинг фикримча, бугун биз қуйидаги қарорни қабул қилишимиз керак.Биринчиси. Литва Коммунистик партияси ҳозирги раҳбариятининг ажраб чиқишга, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, совет федерацияси бирлигини заифлаштиришга қаратилган йўлини қоралаш керак. Иккинчиси. Партия Марказий Комитетининг Пленуми Литва Коммунистик партияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи)нинг партиямизни ғоявий ва ташкилий жиҳатдан жипслаштириш, кўп миллатли социалистик давлатни мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

Бундай қарорни қабул қила туриб, деди сўзининг охирида КПСС Марказий Комитетининг секретари, бу Литва коммунистлари учун ҳам, барча иттифоқдош республикалардаги коммунистлар учун ҳам муҳим эканлигини эсда тутиш керак. Бу принципиал аҳамиятга эга.

Шундан кейин КПСС Марказий Комитети Пленумида **М. С. Горбачев** якунловчи нутқ сўзлади.

● Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонун СССР Конституциясига ва КПССнинг «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати тўғрисида»ги ҳаракат дастурига тўла мувофиқ тарзда ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган эди. Умуман Қонун ўзбек халқининг ва республика ҳудудида истиқомат қилаётган бошқа миллатларнинг орзу-умид ва талабларига, давр тақозосига, жамиятда содир бўлаётган демократик жараёнларга мос келади. Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг ижтимоий ва маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

ПРОГРАММА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ— АМАЛИЙ ИШ ПАЙТИ КЕЛДИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Давлат тили тўғрисидаги Қонунни амалга ошириш комиссиясида

Ҳар қандай Қонун тўла амалга оширилган тақдирдагина самара беради. Республика ҳукумати Давлат тили тўғрисидаги Қонунни амалга ошириш мақсадида бир қанча ташкилий тадбирларни кўрди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Қонунни рўёбга чиқаришга оид тадбирлари тасдиқланди, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Қонунни амалга ошириш давлат программасини ишлаб чиқиш комиссияси тузилди.

35 кишидан иборат комиссияга таниқли олимлар, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, ўқув юртлари, корхоналар ва ташкилотлар, жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмаларнинг вакиллари кирган. Комиссия бир ойда 2 марта мажлис ўтказилади. Зарур ҳужжатлар Қонунда белгиланган муддатлардан илгари тайёрланаётганлиги комиссия жадал ишлаётганлигидан далолат беради.

Идеология комиссиясининг тил тўғрисидаги Қонун лойиҳасини ишлаб чиққан ишчи группасининг аъзоси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Қонунни амалга ошириш комиссиясининг аъзоси сифатида ишчилар коллективларида ва ўқув юртларида тез-тез бўлишимга, кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтаришимга, ўринли ва ўринсиз таъналарни эшитишимга тўғри келмоқда. Камроқ бўлса-да, миннатдорчилик билдириш ҳоллари ҳам бўлмоқда. Бироқ кейинги вақтда шундай савол тобора тез-тез эшитиладиган бўлиб қолди: сизнингча, Қонун суст рўёбга чиқарилмаяптими, тўхтаб қолмадими ва ҳатто тўсиқларга дуч келмаяптими? Ҳаммамизни бажарилган бурчдан бамайлихотирлик қамраб олмадими?

Бундай саволларга мен, йўқ, деб жавоб қайтараман ва мисоллар келтираман. Биринчидан, ҳукумат комиссияси областлар ва районларда, министрликлар ва идораларда, корхоналар ва ташкилотларда Қонун қандай рўёбга чиқарилаётганлигини ҳар томонлама ўрганиб, таҳлил этмоқда. Масалан, Маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, Савдо министрлиги, Уй-жой-коммунал хўжалик министрлиги ва Соғлиқни сақлаш министрлиги, Тошкент шаҳар ижроия комитети, Наманган область ижроия комитети, Оржоникидзе район ижроия комитетининг ҳисоботлари, давлат программасига таклифлар ва тадбирларни тайёрлаш комиссияси аъзоларининг ҳисоботлари тингланди.

Ҳар бир министрлик ва ижроия комитетнинг ҳисоботларини шарҳлаб ўтирмайман, бу борадаги ишлар қунт билан, ҳолисона ва хайрихоҳлик билан амалга оширилаётганлигини айтмоқчиман.

Областлар ва шаҳарларда топонимия комиссиялари ишлай бошлади, Қонунга шарҳлар ва изоҳлар тайёрланди, ҳамма жойдаги ташкилотларда ўзбек тилини ўрганиш тўгараклари ишлаб турибди.

Бундан ташқари, биз республика атамалар комитетини ташкил этиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилдик. Мазкур комитет ҳукуматнинг махсус фаромойиши билан тасдиқланди. Комитетга ўзбек атамалари соҳасидаги йирик олим, Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ғани Абдураҳмонович Абдураҳмонов бошчилик қилмоқда. Атамалар комитети атамалар ва икки тилли луғатлар тузишга оид ишларни бошлаб юборди.

Республика Халқ таълими министрлиги, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Фанлар академияси, Матбуот давлат комитети Қонунни амалга оширишга киришдилар. Бу ишларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ана шу ташкилотларга боғлиқ. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети комиссияси, унинг ишчи группаси давлат программасини тайёрлаш учун министрликлар ва идоралардан тушган таклифларни умумлаштирди. Комиссия, Министрлар Совети Президиуми аъзоларининг ҳар бир моддага оид фикр-мулоҳазалари, шунингдек комиссия мажлисларида министрликлар ва идоралар, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг иши муҳокама қилинган чоғда айтилган таклифлар тўла ҳисобга олинди.

Комиссиянинг иш жараёнида жойларда Қонунни рўёбга чиқаришга доир ишлар суст амалга оширилаётганлиги, расмиятчилик ҳоллари содир бўлаётганлиги, иш юритишни, кенгашлар, йиғилишлар ва шу сингариларда ўзбек тилини қўлланишга оид конкрет тадбирлар кўрилмаётганлиги аниқланди. Моддий-молиявий таъминот: ўзбекча ҳарфли ёзув машинкаларини харид қилиш ва уларни таъмирлаш, таржимонлар, жумладан, бир вақтнинг ўзида таржима қиладиган таржимонлар, машинисткалар, стенографисткалар тайёрлаш билан боғлиқ ҳали кўпгина масалалар бор.

Комиссия аҳоли билан бевосита мулоқотда бўладиган ва ўзбек тилини билмайдиган раҳбар ходимлар ва бошқа ходимларга Давлат тилини ўргатиш ишларини кучайтириш; Давлат тилида қарорлар, фармойишлар тайёрлаш, қабул қилиш масалаларини ҳал этиш зарурлигини таъкидлади. Мавжуд аҳволни тузатишга оид зарур тадбирлар кўрилди. Комиссия ишида Қонуннинг кучга кирган моддаларини турмушга татбиқ этишга алоҳида эътибор берилди.

Комиссия мажлисида давлат программаси лойиҳаси кўриб чиқилиб маъқулланди ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг муҳокамасига тақдим этилди. Программа 1990 йилнинг 8 февралида тасдиқланди. Уни рўёбга чиқариш пайти келди.

Давлат программасида барча масалаларни ҳал этиш кўзда тутилган. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари ҳузурида Қонуннинг рўёбга чиқарилишини назорат қилувчи комиссиялар, атамалар комитети тузиш, қонунга шарҳлар, махсус журналлар нашр этиш, миллий-маданий жамиятлар тузиш, республикада ўзбек тили муаллимларини тайёрлашни кенгайтириш ва бошқа кўпгина тадбирлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мустақил тил институти ва адабиёт институтини ташкил этиш, шунингдек, Ўзбекистон республика рус тили ва адабиёти педагогика институтини Ўзбекистон Давлат Ўзбек ва рус тиллари педагогика институтига айлантириш мўлжалланди. Институтнинг моддий базасини мустаҳкамлашга маблағ ажратиш кўзда тутилди.

Программада ўзбек тилини илмий ўрганиш учун ўзбек тилининг академик грамматикасини, турли атамалар ва икки тилли луғатлар, сўзлашув луғатлари, маълумотномалар, қўлланмалар тайёрлаш ва нашр этиш режалаштирилмоқда. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, «Ўзбек тили» оммабоп энциклопедик маълумотномаси, А. Навоийнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида икки томли энциклопедия чиқарилиши ҳам ўзбек тилини бойитади. Ўзбек адабиёти классиклар асарларининг академик тўпламларини, ўзбек халқининг тарихий-маданий ёдгорликларини нашр этиш республиканинг маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлади.

Программада кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилган. Беш йиллик давомида республика барча турдаги ўқув юртларининг 154 минг ўзбек тили муаллими, мактабгача тарбия муассасаларининг 54,3 минг тарбиячиси қайта тайёргарликдан ўтиши ва малакасини ошириши керак бўлади. Ўзбек тилидаги ўқув ва ўқув-методик адабиёт фондини сифат жиҳатидан янгилаш мўлжалланди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида Давлат тилида ўқитишга ўтиш тугалланади. Бунда табиийки, республикамиз территориясида истиқомат қилаётган миллатлар ва элатларнинг ҳуқуқлари камситилишига йўл қўйилмайди, программада корхоналар ва муассасаларда ўзбек тилини билмайдиганлар учун бу тилни бепул ўқитишни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Мустаҳкам матбаа базасига эга бўлганимиздагина Давлат тилига Қонунда белгиланган муддатда ўтиш мумкин. Ўзбек тилида зарур адабиётлар, дарсликлар, қўлланмалар нашр этишни таъминлаш учун матбаа базасини янада мустаҳкамлаш мўлжалланган. Давлат тилида радио ва телевизион эшиттиришлар вақти кўпайтирилади. Республиканинг биринчи программаси эшиттиришларни фақат ўзбек тилида олиб боради, телевидение ва радио орқали болалар учун ўқув программалари эшиттиришлари олти соат кўпайтирилади.

Қонун моддаларини имкони борича тўла бажариш мақсадида ўзбек тилида 9,2 минг иш юритувчи, стенографистка, машинистка тайёрлаш мўлжалланган. Муассасалар, ташкилотларнинг штат жадвалларига таржимонлар, жумладан, бир вақтнинг ўзида таржима қиладиган таржимонлар лавозимларини киритиш кўзда тутилган. Бир вақтнинг ўзида таржима қилиш учун маблағ ажратиш ва зарур аппаратлар харид қилиш, ўқув мақсадлари учун 1,5 мингта лингафон кабинети ва 3,5 мингта шахсий компьютер харид қилиш режалаштирилди. Программада Давлат тилида иш юритиш ва давлат стандартлари юритиш принципларини ишлаб чиқиш ҳам кўзда тутилган.

Комиссиянинг ҳисоб-китобларига кўра, программани амалга ошириш учун салкам 1,5 миллиард сўм талаб қилинади. Бу жуда катта маблағ. Аммо биз буни қидириб топишимиз керак.

Шунга қарамай, граждан-лар Қонун кундалик ҳаётимизга жуда суст кириб бораётганидан хавотирланаётганликлари ўринлидир. Комиссия барча министрликлар Қонунни амалга ошириш борасида етарли иш олиб бормаётганликларини қайд этди ва бундай муносабатга йўл қўйиб бўлмаслиги хусусида огоҳлантирди. Тармоқларда Давлат тили тўғрисидаги Қонунни рўёбга чиқариш ишларини яхшилашга оид бир қанча тадбирлар таклиф этилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг мажлисида министрликлар бир қанча раҳбарларининг ахборотларини тинглашга қарор қилинди.

Иш ҳажми катта эканлиги муносабати билан ва ана шу барча ишларни мувофиқлаштириш, Қонун рўёбга чиқарилишини назорат қилиш учун Давлат комитети ёки ҳеч бўлмаганда, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети аппаратида махсус бўлим ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Унинг зиммасига ана шу ғоят машаққатли, аммо бугунги кун учун зарур бўлган иш юкланади. Акс ҳолда Қонунни амалга ошириш жараёнини яқин келгусида сезиларли даражада жадаллаштириш жуда қийин бўлади. Халқ ҳукуматнинг бундай тадбирларини муносиб баҳолайди.

Н. М. МИРҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида»ги Қонунни амалга оширишга доир давлат программасини ишлаб чиқиш комиссиясининг аъзоси.

ИШ ҚУРОЛИНГ СОЗ БЎЛСА...

Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур деб бежиз айтилмаган. Шофиркон районидаги Шофиркон колхозида мавжуд техника воситаларини мавсумга созлаш ишлари авж паллада. Уларнинг биринчи галдаги вазифаси барча техника воситаларини тез ва сифатли тахтлаб қўйишдир.

Шу кунгача 18 та чизель, 19 та сеялка, 30 боронани бутлашга эришилди. Ҳозир устахона ремонтчиларини қўли-қўлига тегмайди. Шароф Қодиров, Қаюм Ҳалимов, Ойбек Бурхоновлар зиммаларидаги топшириқларни ортиғи билан адо этмоқдалар. Бу ишда, айниқса пайвандчи Аҳтам Ярашевнинг ҳиссаси катта. У йигирма йилдирки, пайвандчилик касбини ардоқлаб келмоқда.

Суратда: Аҳтам Ярашев иш устида.

К. КАРИМОВ сурати.

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

● Поп районидаги «Ленинград» колхози механизаторлари ремонтга зўр бермоқдалар.

Мавжуд 38 та чопиқ трактори, 36 культиватор, 13 ҳайдов трактори, 14 чигит ва дон экиш учун мўлжалланган сеялкаларни, 6 та мола, 7 та сув тортиш насосларини тахт қилиб қўйишди.

Р. ҚУРБОНОВ.

● Жалолқудуқ районидаги «Пахтакор» совхозининг Тўхтамурод Қозоқов бошлиқ бригадасида Алижон Халилов астойдил меҳнати билан кўпчилик ҳурматини қозонган.

У, мана, 40 йилдан бери трактор чилик қилади. Шу йиллар мобайнида у бригадада ҳамиша мўл-ҳосил олишига хизмат қилди. Айни кунларда ҳам унинг қўли-қўлига тегаётгани йўқ.

Далаларни баҳорги экин мавсумига ҳозирлаш, ариқ-зовурларни тозалаш ишларида фаол қатнашмоқда.

М. АБДУЛЛАЕВ.

АХБОРОТ

ҚАШҚАДАРЁ

Янги дорихона

● **Китоб райони марказида уч қаватли дорихона биноси қуриб битказилди.**

Тўрт бўлимдан иборат мазкур дорихонада 30 дан зиёд фармацевт аҳолига хизмат кўрсатади. Бу ерда шифобахш гиёҳлардан ҳар хил дори-дармонлар, табобат шарбатлари ҳам тайёрланади. Уни бунёд этган «Аграпромстрой»нинг Китоб механизациялашган кўчма коллоннаси қурувчилари 450 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Дорихона Польша ва Болгарияда ишлаб чиқарилган фармацевтика асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

Қулайлик

● **Ғузор районидаги «Пачкамар» совхозида телефон алоқасини яхшилаш учун қулайлик яратилди.**

Яқинда бу ерда 50 точкали янги автомат станцияси фойдаланишга топширилди. Энди хўжалик меҳнаткашлари хоҳлаган пайтда совхоз ва район маркази билан бемалол телефон алоқаси ўрнатиши мумкин. Бу қулайликдан совхоз чорвадорлари мамнун.

Ишчилар қувончи

● **Яккабоғ халқ истеъмоли буюмлари фабрикасининг тикувчилик цехи икки сменали ишга ўтказилди. Қўшимча 30 нафар киши иш билан таъминланди.**

Келгуси йилдан бошлаб корхонанинг бошқа цехларини ҳам икки сменали ишга ўтказиш мўлжалланмоқда. Районда ишсизлик муаммосини бартараф этиш мақсадида шундай тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо фабрикани етарли хом ашё билан таъминлаш, янги қўшимча иш жойлари ҳозирлаш маҳалласи муаммолигича қолмоқда. Бу ҳақда юқори мутасадди ташкилотлар раҳбарлари жиддий ўйлаб кўрмоқлари керак.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МОЖАРО ТУГАДИ

Ҳукуматнинг дизель ёнилғи улгуржи нархини юк ташиш ва электр энергиясидан фойдаланиш тарифларини ошириш тўғрисидаги қарори келтириб чиқарган ўткир можаро меҳнаткашлар ва уларнинг касаба союзлари фойдасига ҳал бўлди. Аслида ҳукуматнинг ўзи бу қарорининг амалга оширилишини 1 апрелга қадар тўхтатиб қўйди. Унгача СССР Молия министрлигига янгилик билан боғлиқ равишда даромадининг бир қисмидан сўзсиз маҳрум бўладиган корхоналарга товон тўлашнинг аниқ системасини касаба союзлари билан биргаликда белгилаш топширилди.

1 январдан бошлаб нарх ва тарифларнинг ўзгартирилиши тўғрисидаги хабар кўпгина меҳнат коллективларини «карахт» ҳолатга солиб қўйди, бу коллективлар ана шу қарорни ўзларининг иқтисодий ва молиявий имкониятларига жиддий хавф, деб ҳисобладилар. Ана шу тадбирнинг амалга оширилиши натижасида миллионлаб меҳнаткашларнинг иш ҳақи камайиб кетиши, корхоналарнинг ижтимоий эҳтиёжлар учун сарфлайдиган маблағлари анча қисқариши равшан бўлиб қолди. Бундай шароитда касаба союзлари меҳнаткашларнинг норозиликларини қатъиян қўллаб-қувватлаб, тегишли товон тўлаш ҳақида ҳукуматга талабнома йўлладилар. Сўнгра ВЦСПС секретари К. Турисов раислигида союзлараро касаба союз комиссияси тузилди, бу комиссия вазиятни тўғри изга солишда яна кечиккан тақдирда кўпгина меҳнат коллективлари «Коллектив меҳнат низоларини (можароларини) ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ ўз ҳуқуқларидан фойдаланишга мажбур бўлишларини ҳукуматга етказди.

Ниҳоят 10 февраль куни ҳукумат вакиллари меҳнаткашларнинг талабларини кўриб чиқиш якунлари тўғрисида ахборот бериш учун ВЦСПС Меҳнат саройига касаба союз комиссиясининг аъзолари билан учрашувга келдилар. СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. П. Бирюкова ВЦСПС ва союзлараро касаба союз комиссиясининг мурожаатига жавоб кечикканлиги учун ҳукумат номидан кечирим сўради, нархлар ва тарифларни ўзгартириш тўғрисидаги қарорни тайёрлаш ва қабул қилиш чоғида йўл қўйилган хатолар ҳақида ошкора гапириб берди. Ҳозирги вақтда СССР Молия министрлиги манфаатдор министрликлар, идоралар ва корхоналарни жалб этиб, тармоқ касаба союзлари Марказий Комитетларининг фаол иштирокида товон тўлашга кетадиган харажатларнинг миқдорини тўла аниқлаш билан бевосита шуғулланмоқда. Ана шу маблағнинг бир қисми ҳозирнинг ўзидаёқ ажратилди. **(ТАСС).**

ОЛИМЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ

Корея Халқ-Демократик Республикаси жамиятшунос олимлари делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Меҳмонлар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг бир қанча илмий-тадқиқот институтлари билан танишдилар.

Делегация аъзолари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси билан Корея Халқ-Демократик Республикаси Ижтимоий фанлар академияси ўртасида бевосита алоқалар ўрнатиш муддаоси тўғрисидаги протоколни имзоладилар.

Шимолий Корея вакиллари чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятида қабул қилиндилар, улар Ўзбекистонда яшовчи корейсларнинг турмуши билан танишдилар.

(ЎзТАГ).



◆ ФАН — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА

СОҒЛОМ ЎССИН ДЕБ...

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. Ветеринария илмий-тадқиқот институти олимлари бугунги кунда чорва молларида учрайдиган бруцеллёз, туберкулёз, тейлириоз ва бошқа юқумли касалликларга қарши курашиш учун янги дори-дармонлар тайёрламоқдалар. Айниқса, ветеринария фанлари доктори Ҳамт Салимов раҳбарлигидаги лейкоз лабораторияси ходимлари бу борада самарали ишлар қилишмоқда. Улар шуни исботлашдики, лейкоз вируси йирик ва майда моллар ўртасида касалликларни тарқатувчи асосий восита экан. Шу билан бирга касаллик вируси қон сўрувчи ҳашаротлар воситасида, даволаш ва операция пайтларида кенг тарқаларкан. Лабораторияда ҳозир лейкоз вирусига қарши антигент тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу фақат касалликни аниқлашгагина хизмат қилмай, балки вирус ташувчи ҳашаротларни ҳам йўқ қилади. Умуман, олимлар чорва моллари соғлом ўсиши учун барча чораларни кўрмоқдалар.

Суратда: Лаборатория бошлиғи, ветеринария фанлари доктори Ҳайит Салимов ва аспирант Зоҳид Рўзиев тажриба устида.

Р. НУРИДДИНОВ сурати. (ЎзТАГ).

ОЗАРБАЙЖОНДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

БОКУ, 10 февраль. (Азеринформ—ТАСС). Гарчи шаҳардаги вазият осойишта кўринса-да, аммо одамлар орасида таҳлика сақланиб қолмоқда. Ҳуқуқ-тартибот органлари, ички қўшинлар ва Совет Армияси қўшинлари ҳарбий қисмлари ҳарбий хизматчилари жамоатчилик ёрдамида вазиятни барқарорлаштириш чораларини кўрмоқдалар.

Республика Ички ишлар министрлигининг маълумотларига кўра, январь ойида содир этилган жиноятларни тергов қилиш давом этмоқда. Ҳозиргача 268 та квартира ўрийқит қилингани аниқланди. 9 февраль куни бир ҳарбий хизматчига ҳужум қилинди. Унинг қўлидан автомат ва ўқлар тортиб олинди, шу ҳарбий хизматчига ўқ узилиб яраланди ва у касалхонага ётқизилди, комендантлик соатини бузганлик учун 53 киши ушланди. Йўлтўсарлик, талончилик давом этмоқда. Чунончи, номаълум шахслар Хажикиян деган аёлнинг квартирасидаги мол-мулкни яксон қилдилар. Бу аёл илгарироқ ўз уйидан жўнаб кетган экан. Бу факт хусусида ҳам тергов бошланди.

Кеча шаҳар партия комитети биносида бўлган журналистлар билан суҳбат чоғида шаҳарнинг ҳарбий коменданти генерал лейтенант В. С. Дубиняк Бокуда юз берган вазиятни мураккаб ва зиддиятли вазият деб баҳолади.

СТЕПАНАКЕРТ. Фавқулодда ҳолат районида вазиятни нормаллаштириш юзасидан иш давом этмоқда. Тоғли Қорабоғ автоном областида ва Озарбайжон ССРнинг унга туташ районларида ҳарбий комендатура СССР Олий Совети Президиумининг 1990 йил 15 январдаги Фармонини бажаришга қаратилган бир қанча тадбирларни амалга оширди. Паспорт режимига амал қилиниши текширилмоқда, қурол-яроғ тортиб олинмоқда, фавқулодда ҳолат районидан шу ерда рўйхатга олинмаган озарбайжон ва арман миллатларига мансуб кишилар жўнатиб юборилмоқда. Тоғли Қорабоғ автоном области ва республиканинг шу областга туташ районларида норасмий ташкилотлар тарқатиб юборилди, шу ташкилотларнинг экстремизм кайфиятидаги бир қанча раҳбарлари ушланди, маҳаллий партия ва совет органларининг нормал ишлаши учун шарт-шароитлар яратилди. Барча ишлар қурол-яроғ ва махсус воситалар қўлланилмасдан амалга оширилмоқда.

Мирбашир районида ва бошқа районларда аҳоли ўз ихтиёри билан қурол-яроғни топширмоқда. Районнинг ҳарбий коменданти подполковник А. Абдулғаффоровнинг ТАСС мухбирига хабар беришича, ҳозиргача район марказида яшовчи аҳоли ўз ихтиёри билан 64 та ов милтиғини топширди. «Районнинг кўпчилик аҳолиси биз бажараётган ишнинг зарурлигини тушунмоқда, қурол-яроғни топшириш давом этяпти», деди район коменданти.

Қурол-яроғ ва ўқ дорилар ўғирланишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар кўриляпти. Тоғли Қорабоғ автоном области Аскеран районидаги омборлардан ҳарбийлар дўлга қарши ишлатиладиган 29 отиш қурилмаси, 1044 снарядни олиб кетдилар.

Озарбайжон ССРнинг Лачин, Кубатли, Жаброил районларида Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. П. Поляничко ва фавқулодда ҳолат ҳарбий коменданти, генерал-майор В. Н. Сафонов мазкур районларнинг партия, совет ходимлари, жамоатчилик билан учрашиб, аҳволни нормаллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар. Автоном область ички ишлар ходимларининг Степанакертда ўтказилган кенгаши ҳам шу масалага бағишланди.

Тоғли Қорабоғ автоном областининг айрим қишлоқларида арман қариялари Озарбайжон оқсоқоллари билан учрашдилар; улар ўзаро хавфсизликни таъминлаш, биргаликда ишлаш, болаларнинг ўқиши, миллатлараро яраш ҳақида келишиб олмоқдалар.

* * *

СССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ МАЪЛУМОТНОМАСИДАН

ОЗАРБАЙЖОН ССР. Республикадаги вазият назорат қилинмоқда. Республикадаги саноат корхоналарининг 48 фоизида, шу жумладан Нахичеван АССРда 80 фоизда, Тоғли Қорабоғ автоном областида 90 фоизида, Бокуда—30, Ганжада—40, Сумгаитда—70, Мингечаурда—60, Шекада—73 фоизида иш ташлаш давом этмоқда. Корхоналар бекор туриб қолгани оқибатида 18 январдан кейин кўрилган моддий зиён 434,2 миллион сўмга етди.

Темир йўлда 224 та юк ортилган поезд тўхтаб турибди. Шуларнинг 59 таси Арманистонга бориши керак эди. Комендантлик соатини бузгани учун 53 киши ушланди. СССР Олий Совети Президиумининг 15 январдаги Фармонини бажармагани учун яна 11 киши ушланди. Барда районида ички ишлар органлари 13 ов милтиғини тортиб олдилар.

Тоғли Қорабоғ автоном областида ҳамон автомобиль йўллари тўсиб қўйилган. Степанакертда ва Мардакерт районида фақат тирикчилик учун зарур маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарида ишламоқда. Мартуни районидаги бир қанча саноат корхоналарида иш ташлаш тўхатилди. Мардакерт районида 9 февралга ўтар кечаси номаълум кишилар Цмакаог қишлоғидан 12 бош қорамолни ўғирлаб кетдилар. Шу муносабат билан тергов бошланди.

АРМАНИСТОН ССР. Республикадаги вазиятда ўзгариш бўлгани йўқ. Бир кечакундузда милтиқ, кичик калибрли милтиқ, «ТТ» тўппончаси ва 25 та ов милтиғи қайтариб олинди. Дилижонда февраль ойида ички ишлар органлари ўғирланган қурол-яроғни тортиб олиш учун тадбирлар ўтказишаётганда илгари судланган икки киши қуролли қаршилик кўрсатди ва отилган ўқдан яраланди, улардан 4 та тўппонча тортиб олинди. Милиция ходимлари орасида жабр кўрганлар йўқ. Кеча Ереванда ижозат берилмаган митинг бўлди. Нотиқлар Озарбайжон халқ фронти ва Арманистон умуммиллий ҳаракати вакилларининг Болтиқбўйида бўлган учрашуви натижаларини, шунингдек Тоғли Қорабоғ автоном областидаги вазиятни муҳокама қилдилар. Жамоат тартиби бузилмади.

Кадрлар ўқуви

Тошкентдаги Олий партия мактабининг партия, совет ва мафкура кадрлари малакасини ошириш факультетида тингловчиларнинг навбатдаги гуруҳи машғулоти якунланди. Тингловчилар орасида Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистондаги қишлоқ, район ва шаҳар халқ контроли комитетларининг раислари, областлар, республикалар Халқ контроли комитетларининг масъул ходимлари бор эдилар.

Улар ҳозирги социалистик жамият, унинг зиддиятлари, ижтимоий адолатни қарор топтириш, миллатлараро муносабатлар, янгича сиёсий фикрлаш, региондаги экология вазияти, кадрларни ғоявий-сиёсий ва ахлоқий тарбиялашга оид долзарб муаммолар хусусида лекциялар туркумини тингладилар.

Иқтисодиётни соғломлаштиришни рўёбга чиқариш, партиянинг иқтисодий сиёсатини амалга ошириш, экономикани планлаштириш ва бошқаришга янгича ёндашиш, янги хўжалик механизмини, хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашни жорий этиш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, корхоналар фаолиятини иқтисодий таҳлил этиш ва бунинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги роли, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг комплекс программасини амалга ошириш масалаларига лекциялар мобайнида катта эътибор берилди.

Амалиётчи ходимлар ўтказган машғулотлар чоғида ошкоралик ва жамиятни демократиялаш шароитида республика, область халқ контроли комитетларининг хўжалик юритишнинг янгича шароитида назорат қилувчи органларнинг кучғайратларини мувофиқлаштириб туриш, давлат интизомини мустаҳкамлаш, халқ назоратчилари фаолияти усул ва методларини қайта қуриш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш йўлларини қидириш юзасидан партия, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва халқ назорати органлари алоқаларини кучайтириш тажрибаси ҳар томонлама ёритиб берилди.

Қайта қуришнинг ҳозирги босқичи муаммоларига бағишланган назарий суҳбатларда, хўжалик юритишнинг янгича шароитида халқ контроли органларининг фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган семинарда, амалий машғулотларда кенг кўламда фикрлашувлар бўлди, ғоялар, тажрибалар ўртоқлашилди. Машғулотларнинг актив формаларини ўтказишда Тошкентдаги Олий партия мактаби ўқитувчилари билан бирга Бутуниттифоқ ва республика Халқ контроли комитетларининг масъул ходимлари ҳам иштирок этдилар.

Тингловчилар ҳузурида СССР Халқ контроли комитетининг масъул ходимлари, Халқ контроли комитетларининг раисларидан: Ўзбекистон ССРдан В. Ф. Сатин, Туркманистон ССРдан В. С. Чертишев, Тожикистон ССР Халқ контроли комитети раисининг биринчи ўринбосари Б. А. Аминов, уч республиканинг бир қанча область халқ контроли комитетлари раислари сўзга чиқдилар.

Якунловчи машғулотда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. К. Исмоилов билан учрашув бўлди.



КУТУБХОНАДА КИТОБ КЎРГАЗМАСИ

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ. М. Горький номли область марказий кутубхонаси доимо китобхонлар билан гавжум. Бу ерда мунтазам равишда китобхонлар конференциялари ўтказиб борилади. Уларнинг мавзулари турли-туман. «Ўрмон ва инсон», Миллий маданиятнинг равнақи», «Ёш муаллимларга ёрдам» кабн янги экспозициялар кутубхонанинг кўргазмалар залида очилди.

Йил бошидан бери бу ерда 20 дан ортиқ ҳар хил кўргазмалар ташкил этилди. Қарши шаҳридаги кўплаб китобхонлар бу кўргазмалар билан танишишди. Китобхонлар конференциялари, кўргазмалар, ёзувчи, шоирлар билан учрашувларни ташкил этиш кутубхона коллективининг кенг миқёсда олиб борадиган ишларидир.

Ш. ШАРОПОВ сурати. (ЎзТАГ).

Андижон янгиликлари

ЯНГИ ДАСТГОҲЛАР

● **Андижон машинасозлик заводида янги автомат дастгоҳлар ўрнатиш йўли билан оғир қўл меҳнатини енгиллаштиришга катта аҳамият бериляпти.**

Гидравлика цехида иккита «Прогресс» маркали автомат дастгоҳ ишга солинди. У деталлар тайёрлаш жараёнини уч баравар тезлаштирди. Энг муҳими, илгари олти ишчи бажарган ишни ҳозир икки киши уддалаяпти. Янги дастгоҳлар программалаштирилгач, деталларни йўниш, зарур шакл бериш анча осонлашади.

ЯПОНИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

● **Андижон вилояти ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори К. Абдураҳмонов Японияда-ги ипакчилик фирмалари билан музокарада бўлди.**

Япониянинг «Гундзз Сенжо Инк» фирмаси билан ҳамкорликда Андижонда паст навли пилла хом ашёсини қайта ишлайдиган корхона қуриш юзасидан келишиб олинди. Маълумки, жумҳуриятимизда неча юз тонна «қора пачоқ», «гов пилла» деб номланган хом ашё жуда паст баҳода олинарди ва у Японияга жўнатиларди. Эндиликда бу хом ашё шу ернинг ўзида қайта ишланадиган бўлди.

Шунингдек, музокара давомида «Сен Месудз» ва «Кочик Инк», «Собадзима Инк» фирмалари ипак қурти уруғини тайёрлаш, пиллага дастлабки ишлов бериш жиҳозларини топиш ҳоҳишини билдирдилар.

БОЛАЛИ ОНАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

● **Ленинск ёғ-экстракт заводида ҳомиладорлик отпускасига чиққан аёлларга икки йилгача ойлик иш ҳақи тўлаб туриладиган бўлди.**

Завод ҳар йили 2 миллион сўмдан ортиқ соф фойда оляпти. Кўп болали оналар ва меҳнат ветеранларига ана шу ҳисобдан моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Ҳозир заводда ишчи ва хизматчилар даволанадиган профилакторий қуриш учун тайёргарлик кўрилмоқда.

Шунингдек, Шаҳрихон шаҳрида муолажа ва даволаш ускуналарининг мукаммаллиги жиҳатидан мамлакатимизнинг марказий шаҳарларидаги медицина муассасаларидан қолишмайдиган кўп тармоқли болалар шифохонаси иш бошлади. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 150 бемор бола даволаниши мумкин. Шифо масканида беморларнинг кўнгилли дам олишлари учун ўйинчоқлар, қўғирчоқ фильмлар кўрсатадиган хоналар мавжуд.

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

● **Андижон шаҳридаги «Ёшлик» мактаб-магазини коллективи кўп болали оналарга моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида областдаги барча меҳнат коллективларига мурожаат қабул қилди.**

Ташаббускор коллектив планга қўшимча равишда олинган даромад ва шахсий иш ҳақи ҳисобидан 90 нафар байналмилал жангчини камёб озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлаяпти.

Магазин коллективи янги йилдан бошлаб Андижон шаҳрида яшовчи 10 фарзандни тарбиялаётган битта оилани оталиққа олди ва ҳар ойда бу оилага бепул 40 сўмлик озиқ-овқат маҳсулоти етказиб берадиган бўлди. Бундан ташқари магазинда ишлаб, пенсияга чиққан собиқ ходимларнинг пенсиясига 10 сўмдан 30 сўмгача қўшиб беришга қарор қилди.

А. ҚУРБОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ЮҚОРИ НАТИЖАЛАР

Челябинск шаҳрида ўтказилган СССР қишки чемпионатида юксак натижалар қайд этилди. Чунончи, беш километрга югуришда ирландиялик М. Жойсининг ёпиқ майдонда ўрнатган жаҳон рекорди янгиланди. У 16 минут, 02, 34 секундли натюка кўрсатган эди. Олмаоталик Н. Сорокиевская масофани 15 минут 48,34 секунда босиб ўтиб рекордни янгилади. Фарғоналик Е. Тарасева маррада бешинчи бўлди. Бу сафар лангар билан сакраш усталари С. Бубка билан Р. Ғатаулин қатнашмадилар. Зеро, тошкентлик В. Ишутин бор-йўғи 5 метру 40 сантиметрли натюка билан еттинчи бўлди. Унинг командадоши С. Усов 60 метрга тўсиқлар оша югуришда бронза медали олди. Тошкентлик М. Шмонина 400 метрли масофани 53,02 секундда босиб ўтиб, ғалаба қозонди.

ФУТБОЛ:

ҒОЛИБ АНИҚЛАНДИ

Фарғонада «Нефтяник» спорт клубининг совринн учун ўтказилган мавсумолди турнири якунланди. Мусобақанинг сўнгги куни Риганинг «Даугава» футболчилари Тюменнинг «Геолог» командасини қабул қилиб (2:1), ғалаба қозондилар. Майдон эгалари — «Нефтяник» коллективи пахтакорчилар билан майдонга тушди. Бу ўйинда дарвозалар дахлсиз қолди. Шундай қилиб, «Помир» футболчилари 6 очко билан бош совринни қўлга киритишди. Майдон эгалари тўплар нисбати ҳисобида шунча очко билан иккинчи ўринни эгаллашди. Пахтакорчилар 5 очко билан учинчи бўлдилар. «Даугава» иккита, «Геолог» биттадан очко тўплади.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
«БИОЛОГ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
ҳўжалик шартномаси асосида «Генетика» ихтисоси бўйича
катта илмий ходим вакант вазифасига
ҚОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Конкурс муддати — 14 февралгача.
Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700125, Тошкент шаҳри, Ф. Ҳўжаев кўчаси, 28-уй. Телефон 62-05-67.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ХИМИЯ ИНСТИТУТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича
АСПИРАНТУРАГА **ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**
кундузги (5), **сиртқи** — ноорганик моддалар технологияси:
кундузги, сиртқи — силикатли ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси, ноорганик химия, коллоид химия; электр химия;
сиртқи — рангли ва нодир металлар металлургияси;
кундузги — экология, агрохимия.
Ҳужжатларни тошириш муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.
Мурожаат учун адрес: 700170, Тошкент шаҳри, М. Горкий проспекти, 77-уй. Телефон 62-75-61.

●

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
22, 23, 24, 25 февраль
соат 17 ва 20.00 да
Чимкентлик замонавий куй ва қўшиқчилар ижрочиси
РУСТАМ ҒОИПОВ
бошчилигидаги «НУР» группасининг
КАТТА КОНЦЕРТИ
Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг совриндори **Абдурашид РАҲИМОВ.**
Касса соат 11 дан 19.00 гача ишлайди.

●

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/II да **Ҳамзанома** (19.00), 14/II да **Куёв** (19.00).
МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/II да **Концерт** (19.00).

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси коллективи редакция ходими У. Юсуповга отаси
Исҳоқ ЮСУПОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ахборот агентлиги (ЎзТАГ) коллективи саноат-иқтисодий ахборот бўлимининг мудири, Ўзбекистон журналистлар союзи мукофотининг лауреати
Юрий Григорьевич КРУЖИЛИНнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги коллективи министрликнинг даволаш-профилактик ёрдам кўрсатиш Бош бошқармасининг бўлим бошлиғи П. Р. Менлиқуловга акаси
Рисмаханбет МЕНЛИҚУЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль йўллари институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари ва автомобилларни техникавий эксплуатация қилиш кафедраси ходимлари катта ўқитувчи Х. Маҳмудовга отаси
Маҳмуджон КИЧИКБОЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат медицина институти ректорати, партия, касаба союз ташкилоти ва ижтимоий фанлар кафедраси коллективи фалсафа фанлари номзоди, социализм назарияси кафедрасининг катта ўқитувчиси Ў. М. Абиловга онаси
Пардахол уста МОМОҚБОЙ Қизининг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Ўзбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 01097. № 37. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12